



10

ТА ЭНГ МУҲИМ
ХУҚУҚИЙ КИТОВ

ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ХУҚУҚЛАР

— 5 —



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ИҚТИСОДИЙ
ВА ИЖТИМОИЙ
ҲУҚУҚЛАР**

(амалий қўлланма)

«Адолат»
миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2021

УЎК: 342.4:(575.1)(072)
КБК: 67.400.1(5Ў)я7
Ў 32

Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар (амалий қўлланма) –
Т.: «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2021 й. – 96 б.

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўринбосари
М.Икрамовнинг умумий таҳрири асосида*

ISBN 978-9943-7296-2-9

УЎК: 342.4:(575.1)(072)
КБК: 67.400.1(5Ў)я7
Ў 32

ISBN 978-9943-7296-2-9

© «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
I. МУЛКЧИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚ ВА КАФОЛАТЛАР	7
Мулкчилик ҳақида умумий тушунчалар	7
Мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари	11
Мол-мулкни мулкдордан олиб қўйиш асослари	15
Мулкчилик билан боғлиқ жавобгарлик.....	19
II. БАНК ОМОНАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	25
Банк омонати ҳақида умумий тушунча	25
Банк омонатларининг сир тутилиши ва ҳимояланиши кафолатлари.....	28
III. МЕРОС БЎЙИЧА ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР	30
Мерос ҳақида умумий тушунчалар.....	30
Мерос ҳуқуқи бўйича навбат ҳамда мерос билан боғлиқ ҳолатлар.....	32
Меросдан воз кечиш тартиби	36
IV. АЙРИМ ШАХСЛАРГА ОИД ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТНИНГ КАФОЛАТЛАРИ	37
Ижтимоий таъминот ҳақида умумий тушунча	37
Ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи	38
Нафақалар ва бошқа ижтимоий ёрдам турлари	46

Ижтимоий таъминот соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик.....	64
V. МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТДАН ФЙДАЛАНИШ КАФОЛАТЛАРИ	66
Тиббиёт соҳасидаги халқаро мезонлар.....	66
Фуқароларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқи	68
2019 – 2025 йилларда Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси	70
Фуқароларнинг соғлиғига шикаст етказганлик учун жавобгарлик.....	72
VI. ТАЪЛИМ ОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚ ВА КАФОЛАТЛАР	74
Билим олиш ҳуқуқининг кафолатлари.....	74
Таълим турларининг умумий тавсифи	76
Таълим олувчилар, улар ота-онасининг ва бошқа қонуний вакилларининг ҳуқуқлари	80
Таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг ижтимоий ҳимояси.....	82
Таълим тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик.....	83
VII. ИЛМИЙ ВА ТЕХНИКАВИЙ ИЖОД ЭРКИНЛИГИ, МАДАНИЯТ ЮТУҚЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ	85
Илмий ва техникавий ижодкорлик билан боғлиқ халқаро нормаларнинг Ўзбекистонда амал қилиши.....	85
Илмий ва техникавий ижодкорликни рағбатлантириш	87
Маданият ютуқларидан фойдаланиш	92
Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси	94

КИРИШ



Ҳар бир шахс бутун ҳаёти давомида ҳар хил ижтимоий муносабатларга киришади ва турли хил ҳуқуқий муаммо ва масалаларга дуч келади. Бу каби ҳолатларда ҳар биримиз ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларимизни билишимиз, улардан тўғри фойдаланишимиз, бошқаларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зиён етказмаслигимиз жуда муҳим ҳисобланади. Чунки ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларимизни билмасдан туриб улардан унумли ва тўғри фойдалана олмаслигимиз, бошқаларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зиён етказишимиз, ўз шаънимиз ва қадр-қимматимизни хавфхатарга қўйишимиз мумкин.

Ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, эркинликлари халқаро ҳужжатларда, давлатларнинг қонунчилигида мужассам.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунасидир. Унинг ҳар бир моддасида миллий ва умуминсоний қадриятлар, халқимиз манфаатлари акс этган.

Ушбу амалий қўлланма турли касб ва соҳа вакиллари, умуман олганда жамиятнинг барча қатлами учун мўлжалланган бўлиб, унда ҳар бир шахснинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари келтирилган. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар ҳар бир шахснинг бу соҳадаги ҳуқуқларини, уларнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, яшаш учун моддий ва маънавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қиладиган ҳуқуқлардир. Бугунги кунда ҳеч биримиз ҳаётимизни ушбу ҳуқуқларсиз тасаввур қила олмаймиз. Конституциямизнинг IX боби айнан иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга бағишланган бўлиб, 36 – 42-моддаларни ўз ичига олади.

Унда хар бир шахсинин мулкдор булуп, банкка куйган омонатларинин сир тутулиши, мерос хуккуки, мекхат килиш, эркин касб танлаш, хак тутуладиган тачили олиш, дам олиш, билим олиш, эксайганда, ижтимоий химовага мухтож булганда ижтимоий таъминот олиш, макали тиббий хизматдан фойдаланалаш, ижод эркинлиги ва маданият ютукларидан фойдаланалаш каби фот мухим хисобланган иктисодий ва ижтимоий хукук хамда каолатлари мустахкамлаб куйилган.

Куниниздаги мазкур кумланма Конституцияда мустахкамлаб куйилган иктисодий ва ижтимоий хукукларининизин билешнига, улардан тутри фойдаланиб, хаёда кумлай олишнинг бизга ёрдам беради. Амалий кумланма хар бирининиз учун мухим ва фойдали мана буладиди, деб ишонамиз.

I. МУЛКЧИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚ ВА КАФОЛАТЛАР



МУЛКЧИЛИК ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

Конституциямиз IX бобининг дастлабки, яъни 36-моддасида ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган. Ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиш ҳуқуқининг Конституцияда қонуний мустаҳкамланиши шахс иқтисодий эркинлигини таъминлашга хизмат қилади. Конституциямизда белгиланган мазкур иқтисодий ҳуқуқ халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва тамойилларига ҳам тўла мос келади. Хусусан, 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 17-моддасига кўра, ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек бошқалар билан биргаликда мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқига эга, ҳеч ким зўравонлик билан ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Маълумки, иқтисодий тизимнинг негизини турли хил шакллардаги мулклар ва унга бўлган мулк ҳуқуқи ташкил этади. Давлатимиз мустақилликка эришганидан буён амалга оширилаётган иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотларнинг асосий устувор йўналишларидан бири ҳам мазкур конституциявий нормани ҳаётда тўлақонли рўёбга чиқариш ҳисобланади.

Мулк ҳуқуқи ҳақида 10 та факт:

Фуқаролик кодексининг 164-моддасида мулк ҳуқуқи тушунчасига таъриф берилиб, унга кўра, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатлиги белгиланган. Фуқаролик кодексининг 166-моддасида эса мулкнинг дахлсиз ва қонун билан қўриқланиши, ушбу мол-мулкни олиб қўйишга, шунингдек, унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилиши кўрсатилган.

Биринчидан, мулк ҳуқуқи меҳнат фаолияти, мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти, шу жумладан, мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш, давлат мол-мулкни хусусийлаштириш, мерос қилиб олиш, эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат орқали, шунингдек, қонунчиликка зид бўлмаган бошқа асослар орқали вужудга келади. Демак, ҳалол йўл ва меҳнат билан, қонун ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларни бузмаган ҳолда ҳар бир фуқаро чекланмаган миқдордаги мулкка эга бўлиши мумкин.

Иккинчидан, мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади. Бу муддат эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат ҳисобланади. Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат туфайли мулк ҳуқуқи вужудга келиши билан аввалги мулкдор мулкка бўлган мулк ҳуқуқини йўқотади.

Учинчидан, мулкдан шартнома мажбуриятлари (ижара, текин фойдаланиш) асосида фойдаланиш мол-мулкка мулк ҳуқуқини, унга эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирмайди.

Тўртинчидан, мол-мулк, ўз навбатида, икки турга, яъни кўчмас мулкка ва кўчар мулкка бўлинади. Кўчмас мулкка ер участкалари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтлар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулклар кирази. Қисқача қилиб айтганда, жойини ўзгартириш мумкин бўлмайдиган объектларни мол-мулкнинг ушбу турига киритиш мумкин. Қонунчиликка мувофиқ, кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Бешинчидан, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бу юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларининг вужудга келиши, бошқа шахсга ўтиши, чекланишини, бекор бўлишини тан оладиган ҳамда тасдиқлайдиган ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Кўчмас мулк жумласига кирмайдиган мол-мулклар, ўз навбатида, кўчар мулк ҳисобланади. Яъни ушбу мулкларнинг жойини ўзгартириш мумкин. Кўчар мулкларга соатлар, тақинчоқлар, мебеллар, компьютерлар, буюмлар ва ҳоказолар кирази. Кўчар мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш талаб этилмаслиги, бироқ қонунчиликда назарда тутилган баъзи ҳолатларнинг бундан мустаснолиги белгиланган. Масалан, автомобиллар кўчар мулк сирасига кирса ҳам қонунчилик билан унинг давлат рўйхатидан ўтказилиши белгилаб қўйилган.

Олтинчидан, қонунчилигимизга кўра, мулкнинг икки хил шакли мавжуд бўлиб, хусусий мулк ва оммавий мулк шаклларига бўлинади ҳамда фуқаролар, юридик шахслар ва давлат мазкур мулк шаклларининг субъектлари ҳисобланади. Хусусий мулк ва оммавий мулк шаклининг бир-биридан фарқли, ўзига хос жиҳатлари мавжуд.

Еттинчидан, Фуқаролик кодексининг 207-моддасига кўра, хусусий мулк ҳуқуқи деганда шахснинг қонунчиликка мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи тушунилади. Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди. Бу

қоида мустақил давлатимизда мулк муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш тизимини ислоҳ қилишда муҳим омиллардан бири бўлди. Демак, ҳар бир фуқаро қонуний асосда қўлга киритган мулкига эгаллик қилиши, ундан бемалол фойдаланиши, хоҳласа, уни текинга фойдаланишга, ижарага бериши ёки сотиши, ҳада қилиши мумкин. Шунингдек, хусусий мулкида уйи, квартираси бўлган фуқаролар уйига, квартирасига бошқа фуқароларни кўчириб киритишга, ижарага беришга, шунингдек, қонунчиликка зид келмайдиган бошқа мақсадларда фойдаланишга ҳақли.

Хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари, яъни эгалари – фуқаролар, ҳўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслар ҳисобланадилар.

Саккизинчидан, қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин. Мисол тариқасида, Конституциямизнинг 55-моддасида ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик эканлиги, «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида ташиш жараёнининг узлуксизлигини, ҳаракат хавфсизлигини ва авария-тиклаш ишлари ўтказилишини бевосита таъминловчи темир йўл транспорти корхоналари, умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва темир йўл транспортининг бошқа мол-мулки мутлақ давлат мулки эканлиги, «Архив иши тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида эса давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида турган ва топширилган архив ҳужжатлари давлат мулки ҳисобланиши ҳамда мазкур ҳужжатлар давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши, олди-сотди ёки мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ битимлар объекти бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган. Демак, ҳар қандай мол-мулк ҳам хусусий мулк бўлиши мумкин эмас. Қонун билан мулк қилиб олиниши ман этилмаган ашёлар эса хусусий мулк қилиб олиниши мумкин.

Тўққизинчидан, Республика мулки ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкидан (муниципал мулк) иборат бўлган давлат мулки оммавий мулкдир.

Ўнинчидан, ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий бойликлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви республика органларининг мол-мулки, давлат аҳамиятига эга бўлган моддий маданий мерос объектлари, республика бюджетининг маблағлари, олтин захираси, давлатнинг валюта фонди ва бошқа фондлари республика мулкидир, шунингдек, корхоналар ва бошқа мулквий комплекслар, ўқув, илмий, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари, интеллектуал фаолият натижалари, агарда булар бюджет ёки давлатнинг маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган бўлса республика мулкига киради.

Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалик, корхоналар ва бошқа мулквий комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари каби бошқа мол-мулклар муниципал мулкка киради.

МУЛҚДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

Мамлакатимизда мулк ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилиш механизмлари, кафолатларининг яратилиши ҳар бир шахснинг эртанги кунга ишончи ортишига, ўз мол-мулки тақдиридан ҳавотирсиз бўлишига, мол-мулкни кўпайтиришга, ташаббус кўрсатиб ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланиши учун хизмат қилади. Дарҳақиқат, Конституциямизда ва унинг асосида қабул қилинган бошқа қонун ҳужжатларида ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги, мулк ҳуқуқининг муддатсизлиги, дахлсизлиги каби нормаларнинг мустаҳкамлаб қўйилганлиги кафолатлар тизимининг шаклланиши учун асос бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунида мулкдор ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳишига кўра ҳамда ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва тасарруф этиши, мол-мулкка нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни бажаришга ҳақли эканлиги,

мол-мулкидан хўжалик фаолиятини ва қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиши, уни бошқа шахсларга эгалик қилиш ва (ёки) фойдаланиш учун текинга ёхуд ҳақ эвазига бериши мумкинлиги мустаҳкамланган. Ушбу кафолат ва ҳуқуқлардан фойдаланганда ҳар бир шахс бошқа фуқароларнинг, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги, шунингдек, атроф-муҳитга зарар етказмаслиги керак.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Қонуннинг муқаддимасида мулкнинг дахлсизлиги, ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги, мулкчиликнинг ҳамма шакллари дахлсиз бўлишига ва уларнинг ривожланиши учун тенг шароитлар яратилиши, мулкдорга қарашли бўлган мол-мулкни сақлаш ва кўпайтириб бориш учун барча зарур шароитлар яратиб берилиши кафолатланган.

Мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқини бошқа шахсларга беришга фақат ўзи ҳақлидир. Бу мулкдорларни ўз мулкига нисбатан тажовуздан, бошқа шахсларнинг унинг рухсатисиз мол-мулкдан фойдаланишининг олдини олишга хизмат қилади. Қонунчиликда кўзда тутилган ҳоллардагина мулкдорнинг зиммасига бошқа шахсларнинг унинг мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйилиши мумкин.

Сервитут ҳуқуқи нима?

Ер эгасининг муайян ҳолларда қўшни ер эгасига тегишли ердан фойдаланишини талаб қилиш ҳуқуқи сервитут ҳуқуқи деб номланади. Сервитут қуйидаги мақсадлар ва ҳолатларда белгиланади:

- ердан пиёда ва транспортда ўтиш;
- ўзганинг ер участкасидан электр узатиш, алоқа линиялари ва трубопроводлар, ирригация, муҳандислик ва бошқа линиялар ҳамда тармоқлар ўтказиш ва улардан фойдаланиш;
- ўзганинг ер участкасидан экинзор ва молларни суғориш учун сув олиш;
- молларни ўзганинг ер участкаси орқали ҳайдаб ўтиш ва бошқа шу каби ҳолатлар.

Ерга сервитут белгиланиши ер эгасини ушбу участкага эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларидан маҳрум этмайди. Сервитут уни талаб қилган шахс ва ер эгаси ўртасидаги битимга асосан белгиланади. Агар икки тараф келиша олмаса, ушбу масала фуқаролик судида кўриб чиқилади. Сервитут тўғрисидаги келишув давлат рўйхатиغا олиниши лозим ва ер участкаси бошқа шахсга ўтган вақтда ҳам сақланиб қолади. Сервитут тўғрисидаги келишув уни белгилашга сабаб бўлган юқоридаги асослар барҳам топганда бекор қилиниши мумкин.

Давлат барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этилишини кафолатлайди. Бузилган хусусий мулк ҳуқуқининг тикланишини ва унинг суд орқали ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни уни етказган шахс томонидан тўла ҳажмда қопланади.

«Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун билан мулкдорлар ҳуқуқий кафолатларининг яхлит тизими яратилди, давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган хусусий мулкнинг дахлсизлиги белгиланди. Хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмайди ва бекор қилинмайди. Хусусийлаштириш натижаларини, шу жумладан, объектларнинг қийматини баҳолаш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш масалалари юзасидан давлат органлари, шу жумладан назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар томонидан ташаббус билан чиқиш тақиқланади.

Мулк дахлсизлиги тамойили мулкдорни бегона шахсларнинг ўзбошимчалик билан аралашувидан, ўзига тегишли мол-мулкдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳуқуқини ўзбошимчалик билан чеклашлардан ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Хусусий мулкдорларга уларнинг ҳуқуқларини бузган ҳолда зарар етказилишига, мулк ҳуқуқини ноқонуний чеклаш ундан маҳрум қилиш, аввал хусусийлаштирилган мулкка тажовуз қилиш, мулкдорга қасддан номақбул шартлар ва асоссиз талабларни қўйиш, шунингдек, мулкни олиб қўйиш ёхуд мулк эгасини шахсий мулк ҳуқуқидан воз кечишга мажбур қилишга йўл қўйилмаслиги устидан тизимли назорат ўрнатилди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни янада ишончли қўриқлашни таъминлаш мақсадида «Жисмоний ва юридик шахслар мулкнинг қўриқланишини таъминлаш самарадорлигини

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қабул қилинган Президент қарори билан мулкни қўриқлаш бўйича хизмат турларини кенгайтириш, транспорт воситалари ва бошқа ҳаракатланувчи объектларни қўриқловга олиш имкониятини берувчи замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, янги турар жойлар қурилишида уларни мажбурий тарзда қўриқлаш ёнғин ташвишгоҳлари (сигнализация) ва газоанализаторлар билан жиҳозлаш, жисмоний шахсларнинг уй-жойлари ва хонадонларига уларга қўриқлаш хизматини кўрсатиш мобайнида фойдаланишга бериладиган қўриқлов техник воситалари жиҳозларини ўрнатиш ҳамда бепул техник хизмат кўрсатиш белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг тегишли ҳудуддаги бўлимига мурожаат қилсангиз, улар Сиз билан шартнома асосида турар жойингизга қўриқлаш жиҳозларини ўрнатиб, турар жойингизни ўз қўриқловига олади.

Ер кодексига асосан жисмоний шахслар мулк ва ижара ҳуқуқи асосида, юридик шахслар мулк, доимий фойдаланиш ва ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлиши мумкин.

Ер участкаси – ер фондининг муайян чегарага, қайд этилган майдонга, жойлашиш манзилига эга бўлган, у ерда жойлашган турар ва нотурар кўчмас мулк объектлари мулкдорларига белгиланган тартибда эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ёки вақтинчалик фойдаланишга берилган, шу жумладан, кўп квартирали уйлар билан банд бўлган ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган хусусиятларга эга бўлган қисми.

Мулкдорнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида мулкдор ҳуқуқлари устуворлиги принципининг амал қилиши хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар мулкдорнинг фойдасига талқин этилишини таъминлайди.

Чет эл фуқароларининг Ўзбекистондаги мулк ҳуқуқи қандай кафолатланган?

Чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги мулкларига ва чет эл юридик шахслари хўжалик фаолиятларини ва миллий қонунчилигимизда ман этилмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўладиган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида

Ўз мулкларига эга бўлишга ҳақли, давлат бу мулкнинг дахлсизлигини ва бошқа давлатларга эркин ўтказилишини кафолатлайди.

Аҳамиятга молик тарафи шундаки, давлатимиз қонунчилигида ёки халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, давлат чет эл фуқаролари, юридик шахслари, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасидаги мулки ҳимоя қилинишини, ушбу мулк ҳуқуқидан фойдаланишини, уларнинг мол-мулкни асраш, кўпайтириш ва бошқа давлатларга ўтказиш имкониятларини кафолатлайди.

Қонунчилигимизда мулкчилик соҳасида бу каби кафолатларнинг белгиланганлиги мулкий муносабатларда барқарорликни таъминлашга, конституциявий ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

МОЛ-МУЛКНИ МУЛҚДОРДАН ОЛИБ ҚЎЙИШ АСОСЛАРИ

Мулкдор бўлиш ҳуқуқининг ҳар бир шахсга берилиши шахснинг ҳуқуқий ҳолати ва мақомидан қатъи назар, мол-мулкка эга бўлиши ва қонунда белгиланган асослар ва тартибдан ташқари, барча ҳолатда мулкдорлик мавқеининг сақлаб қолишини англайди. Хусусий мулк ҳуқуқи муддатсиздир. Мулкдорга мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш муддати белгиланишига йўл қўйилмайди. Шахснинг мулк ҳуқуқини чеклаш, мулкидан маҳрум этиш фақат қонунчиликда назарда тутилган ҳоллардагина амалга оширилиши мумкин.

Фуқаролик кодексида мулк ҳуқуқи шахслар ўз мажбуриятларини бажармаганда суд томонидан уларнинг мажбуриятлари бўйича ундирув уларнинг мол-мулкига қаратилган тақдирда олиб қўйилиши мумкинлиги белгиланган. Бундай ҳолларда мол-мулк мулкдорнинг эрк-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда ундан олиб қўйилади.

Шунингдек, национализация қилиш, реквизиция ва мусодара қилиш тартибида йўл қўйилиши белгиланган.

Национализация – фуқароларга ҳамда юридик шахсларга қарашли мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини ҳақ тўлаш асосида қонунга мувофиқ давлат ихтиёрига ўтказиш.

Реквизиция – табиий офатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар юз берган тақдирда ва фавқулодда тусдаги бошқа вази-ятларда мол-мулк жамият манфаатларини кўзлаб, давлат ҳокимияти органи қарорига мувофиқ мулкдордан унга мол-мулкнинг қиймати-ни тўлаган, яъни мулкдорни рози қилган ҳолда қонунчиликда бел-гиланган тартибда ва шартлар асосида олиб қўйилиш.

«Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасида хусусий мулк бўлган мол-мулкни национализация ва реквизиция қилинган ҳолларда олиб қўйиш, агар қонунда бошқача қоида назарда ту-тилмаган бўлса, мулкдорга унинг бозор қиймати, шунингдек, бун-дай олиб қўйиш муносабати билан мулкдорга етказилган зарар-нинг ўрни тўла қопланиши шarti билангина амалга оширилиши белгиланган.

Мусодара – мол-мулкнинг суд қарорига мувофиқ жиноят ёки ўзга ҳуқуқбузарлик қилганлик учун ҳақ тўламасдан мулкдордан олиб қўйилиши.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 27-моддаси-да маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли деб топилган ашё жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан му-содара қилиниб, мазкур ашё ҳақ тўланмасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказилиши белгиланган. Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни, бошқа ов қуролларини мусодара қилиш асосий тирик-чилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасида гумон қили-нувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлган жиноят қуроллари мусодара қилиниши ва тегишли муассасаларга топширилиши ёки йўқ қилиб юборилиши белгиланган.

Жиноят қуроли – ашёвий далил деб эътироф этилган, жи-ноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этиш учун махсус мўлжалланган, тайёрланган ёки мослаштирилган нарсалар (маса-лан, қуроллар, қимматликларни талон-торож қилиш ёки эгаллаш-да восита бўлган нарсалар ва ҳ.к.), шунингдек жиноий мақсадга эришиш учун жиноят содир этиш жараёнида бевосита фойдала-нилган мол-мулк (масалан, шахснинг транспорт воситасидан фой-даланган ҳолда қасддан одам ўлдиришида транспорт воситаси жиноят қуроли сифатида мусодара қилиниши мумкин).

Мулқдор хусусий мулк бўлган мол-мулкни национализация, мусодара ва реквизиция қилиш тўғрисидаги қарор устидан суд тартибида шикоят қилишга ҳақли.

Уй-жойи бузилганларга компенсация тўлаш тартиби қандай?

Уй-жой кодексининг 27-моддасида ер участкаларининг давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан уйи (квартираси) бузилиши лозим бўлган фуқаролар турар жой билан таъминланиши белгиланган. Бунда фуқаролар мулкида бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда, мулкдорларга уларнинг танлови бўйича ва тарафлар келишувига кўра, уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган майдондаги, барча қулайликлари бўлган, аввалгисига тенг қимматли бошқа турар жой мулк қилиб берилади ҳамда доводарахтларнинг бозор қиймати тўланади ёхуд бузилаётган уй (квартира), бошқа иморатлар, иншоотлар ва доводарахтларнинг бозор қиймати, шунингдек, ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати тўлиқ ҳажмда тўлаб берилади. Бузилаётган уйнинг (квартиранинг) ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати берилаётган уй-жойнинг ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортиқ бўлган тақдирда, бу фарқ мулкдорга компенсация (тўланиши) қилиниши, берилаётган уй-жойнинг ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати бузилаётган уйнинг (квартиранинг) ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортиқ бўлган тақдирда эса, бу фарқ уй-жой берилган ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқ берилган пайдан эътиборан беш йил ичида мулкдор томонидан компенсация (тўланиши) қилиниши лозим.

Шунингдек, юқоридаги кодекснинг 28-моддасига кўра, ер участкалари давлат ёки жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар мулкида бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда, мулкдорларга уларнинг танлови бўйича яқка тартибда уй-жой қуриш учун белгиланган норма доирасида ер участкаси берилиши мумкин. Бунда ер участкасини ўзлаштириш даврига уч йилгача муддат билан ижара шартномаси асосида вақтинча уй-жой берилиб, бузилаётган уйларнинг (квартираларнинг), иморатларнинг, иншоотларнинг ва кўчириб ташланган

дов-дарахтларнинг бозор қиймати, шунингдек олиб қўйилаётган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати берилаётган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортиқ бўлган тақдирда унинг ўртасидаги фарқлар тўлиқ ҳажмда қопланади.

Қандай ҳолларда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиб қўйилиши мумкин?

Ер кодексининг 37-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисидаги низомга асосан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш фақат қуйидаги мақсадларда йўл қўйилиши белгиланган:

- мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эҳтиёжлари, эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш ва уларнинг фаолият юритиши учун ерларни бериш;
- халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;
- фойдали қазилмалар конларини аниқлаш ва қазиб чиқариш;
- автомобиль йўллари ва темир йўллар, аэропортлар, аэродромлар, аэронавигация объектлари ва авиатехника марказлари, темир йўл транспорти объектлари, кўприклар, метрополитенлар, туннеллар, энергетика тизими объектлари ва электр узатиш тармоқлари, алоқа тармоқлари, космик фаолият объектлари, магистрал қувурлар, муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш (реконструкция қилиш);
- аҳоли пунктлари бош режаларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобига объектлар қуриш қисмида ижро этиш, шунингдек, қонунлар ва Президент қарорларида тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда.

Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тўғрисида қарорлар қабул қилишга фақат олиб қўйилиши режалаштирилаётган ер участкаларида жойлашган кўчмас мулк мулкдорлари билан очиқ муҳокама ўтказилиб, уларнинг розилиги олинганидан, фойда ва харажатлар баҳоланганидан, шунингдек, тегишинча жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарлар-

Хусусан, МЖТКнинг 61²-моддасида ўзганинг мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш, оз миқдорни ташкил этса, – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

кўп бўлмаган миқдорни ташкил этса, – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Оз миқдор деганда базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача бўлган доирадаги, кўп бўлмаган миқдор деганда эса, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган доирадаги миқдор тушунилади.

Ер участкаларини бериш тартибини бузганлик ва ер берилишига тўсқинлик қилганлик учун қандай жавобгарлик бор?

Ер участкаларини бериш тартибини бузганлик ва ер берилишига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланган. МЖТКнинг 66-моддасига кўра, ер бериш тартибини бузиш, фермер ёки деҳқон хўжалиги юритиш учун, яқка тартибда уй-жой қуриш ва турар-жой биносига хизмат кўрсатиш, жамоа боғдорчилиги ва полизчилиги учун фуқароларга ер берилишига тўсқинлик қилиш, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мансабдор шахсларга ушбу кодекснинг 200²-моддасига кўра, ер участкаси ноқонуний олиб қўйилганда базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солинади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик олиб қўйилаётган ер участкасидаги биноларни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки доғдаракларни ёхуд уларнинг қисмларини, мазкур мол-мулкнинг бозор қиймати, шунингдек, унинг мулкдорига олиб қўйиш муносабати билан етказилган зарарнинг ўрни олдиндан ва тўлиқ қопланмаган ҳолда бузиб ташлашга, уларга кўп бўлмаган миқдорда зарар етказилишига олиб келса, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Такроран содир этилган тақдирда...

Агар мансабдор шахслар томонидан худди шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида такроран содир этилса, Жиноят кодексининг 229⁵-моддасига кўра базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан икки юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Еручаскасининг ноқонуний олиб қўйилиши олиб қўйилаётган ер участкасидаги биноларни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки дов-дарахтларни ёхуд уларнинг қисмларини, мазкур мол-мулкнинг бозор қиймати, шунингдек, унинг мулкдорига бундай олиб қўйиш муносабати билан етказилган зарарнинг ўрни олдиндан ва тўлиқ қопланмаган ҳолда бузиб ташлашга сабаб бўлса, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ёки анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Кўп миқдорда зарар етказилганда...

Худди шундай ҳаракатлар кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилса, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Кўпчилик учун хавфли бўлган усулда ёки жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилса, муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

МЖТКнинг 241¹-моддасига кўра, назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқларини бузиш йўли билан уларга зарар етказиш, яъни мулк ҳуқуқини қонунга хилоф равишда чеклаш

ва (ёки) ундан маҳрум қилиш, хусусий мулкка тажовуз қилиш, номақбуллиги олдиндан аён бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш, шу жумладан мол-мулкни ёки мулккий ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиш, шунингдек, мулкдорнинг мулкни олиб қўйиш ёхуд уни ўз мол-мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбурлаш, **оз миқдордаги** талон-торож аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ бараваридан саксон бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Агар назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан худди шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида такроран содир этилса (талон-торож аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда), Жиноят кодексининг 192¹-моддасига кўра базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатдан уч юз олти соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар кўп миқдорда зарар етказган ҳолда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан амалга оширилган ер участкалари олди-сотдиси, уларни ҳадя қилиш, гаровга қўйиш (ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, шу жумладан ким ошди савдоси асосида олинган шундай ҳуқуқни, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш бундан мустасно), ер участкаларини ўзбошимчалик билан айир-

бошлаш ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Бундай битимларни амалга оширишда айбдор шахслар қонунга биноан жавобгар бўладилар.

Шунингдек, ерлардан белгиланган мақсадда фойдаланмаганлик, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ерлардан хўжасизларча фойдаланганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланган.

Хусусан, МЖТКнинг 60-моддасига кўра, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, шу жумладан, ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланиш, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари, мансабдор шахсларга эса – эллик баравари миқдориди жарима солишга сабаб бўлади. Бунда ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган шахс, агар у ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасининг қайтарилишини таъминласа ва ўзбошимчалик билан эгаллаб олишнинг оқибатларини бартараф этса, жавобгарликдан озод этилади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, ажратилган ер участкасига туташ бўлган ва туташ бўлмаган ер участкаларида қурилиш ишларини амалга ошириш, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик баравари, мансабдор шахсларга эса – уч юз баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмасдан қайтариб олинади. Ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ер участкаси ижарачисига ёки мулкдорига қайтариш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорига кўра амалга оширилади.

Қонунчиликда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасига, шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкасида барпо этилган ҳар қандай бино ва иншоотларга нисбатан мулк ҳуқуқини ёки бошқа мулк

ҳуқуқларни белгилашга йўл қўйилмайди ҳамда қонунга хи-лоф қурилиш объектларини сув таъминоти, оқова сув, электр, иссиқлик энергияси ва газ тармоқларига улаш тақиқланади.

Шунингдек, 65-моддасида, ерлардан хўжасизларча фойдаланиш, объектлар қуриш пайтида унумдор қатламни олмаслик, ер майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ерларни фойдаланишдан чиқаришга, ҳосилдорлик пасайишига, тупроқнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига олиб келадиган бошқа ҳаракатларни содир этиш, шунингдек, таназзулга юз тутган қишлоқ хўжалиги ерларини консервациялашнинг белгиланган тартибини бузиш, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бундан ташқари, 68¹-моддасида, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органга ер участкасига, бино ва иншоотга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмаслик, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари, мансабдор шахсларга эса – ўн беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг «Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш» номли Х бобида хусусий мулк дахлсизлигини бузиш, бировнинг мулкига шикаст, зиён етказганлик (босқинчилик, товламачилик, талончилик, мулкни ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, фирибгарлик, ўғрилиқ каби) учун жиний жавобгарлик белгиланган.

II. БАНК ОМОНАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ



БАНК ОМОНАТИ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

Иқтисодий ҳуқуқлар орасида банкларда омонатга эга бўлиш алоҳида аҳамият касб этади. Конституциямизда банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши қонун билан кафолатланишини белгилувчи норма мустаҳкамланди. Ушбу норма фуқароларнинг ишбилармонлик фаоллигини, иқтисодий эркинлигини, банк тизимининг барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлашнинг энг муҳим жиҳатларидан бирига айланди. Бугунги кунда бу соҳада фуқароларга кенг имкониятлар берилган.

Ҳар кимнинг банкка омонат қўйиш ҳуқуқи ва қўйган омонатларининг сир тутилиши кафолатлари Фуқаролик кодексида, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги, «Банк сири тўғрисида»ги қонунлари билан таъминланиб келинмоқда.

Банк омонати очиш учун банкка фақат шахсни тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади. Банк омонати шартномаси банк ва ми-

жозлар ўртасида ёзма шаклда тузилиб, бир нусхаси омонатчида қолади. Муомалага лаёқатли ҳар бир фуқаро ёши, фуқаролиги, жинси, ижтимоий аҳволи, миллати, тили, диний эътиқодидан қатъи назар ўз номига ёки бошқа шахс номига омонат очиши мумкин.

Банк омонати – миллий ёки хорижий валютадаги пул суммаси бўлиб, банк ва мижоз ўртасида келишилган муддатларда пулни фоизлар ёки устамалар билан ёхуд бундай шартларсиз қайтариш шarti билан берилади.

Фуқаронинг банкка омонат қўйиши билан боғлиқ муносабатлар «банк омонати шартномаси» билан тартибга солинади.

Банк омонати шартномаси бўйича банк омонатчидан қабул қилиб олган ёки унинг номига келган пул суммасини шартномада назарда тутилган шартлар асосида ва тартибда қайтариш ва унга фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Банк омонати шартномаси омонат суммаси банкка келиб тушган кундан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ҳуқуқига белгиланган тартибда лицензия олган банклар эга бўладилар.

Омонатнинг энг кам ва энг кўп миқдорлари (фоиз ставкалари) ҳар бир банк томонидан мустақил ўрнатилади ва омонатчига банк омонати шартномасида белгиланадиган миқдорда фоизлар тўлайди. Ҳозирда ҳам омонат фоизларининг миқдори ҳар хил банкларда турлича эканлигини кўришимиз мумкин. Қайсидир банк муддатли йиллик омонатни 15 фоиз ставкада таклиф қилса, бошқа банк 17 фоиз ставкада тақдим қилиши мумкин.

Банк омонати шартномаси ёзма шаклда тузилади. Банк омонати шартномасининг ёзма шаклига риоя қилмаслик бундай шартноманинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келиши мумкин. Бу эса шартноманинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

Қонунчиликка кўра, банк омонати шартномасининг икки тури келтирилган:

- омонатни талаб қилиниши биланоқ бериш (талаб қилингунча сақланадиган омонат);
- омонатни шартномада белгиланган муддат тугаганидан кейин қайтариш (муддатли омонат).

Банк омонати шартномасида қайтариб беришнинг қонунчиликка зид бўлмаган бошқа шартлари асосида омонатлар қўйиш ҳам назарда тутилиши мумкин.

Омонатчи муддатли ёки бошқа омонатни (талаб қилиб олин-гунча сақланадиган омонатдан ташқари), муддат тугагунга қадар ёки банк омонати шартномасида кўрсатилган муддат (ҳолат)га қадар қайтариб беришни талаб қилиш ниятида бўлса, ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши шарт. Бундай ҳолатда банк омонати шартномасида бошқача тартиб назарда тутил-ган бўлмаса, омонат юзасидан фоизлар тўланмайди. Дейлик, сиз банкка 2021 йилнинг 8 феввалида бир йиллик муддатли ёки бошқа омонат тури бўйича 20 фоиз ставка билан омонат қўйгансиз. Бироқ 2021 йилнинг март ойида Сиз кейинги ойнинг 10 санасида компьютер олишни режалаштириб банкка қўйган омонатингизни қайтариб олмоқчисиз. Бунда, Сиз банкка қўйган омонатингизни қайтариб олмоқчи эканлигингиз тўғрисида омонатингизни қўйган банкни 2021 йилнинг 10 мартига қадар хабардор қилишингиз лозим. Ушбу ҳолатда банк омонати шартно-масида омонат муддатидан олдин олинган тақдирда фоизлар тўланиши назарда тутилган бўлса, фоизлар тўлаб берилади.

Омонатчи муддатли омонат суммасини муддат тугаганидан кейин ёки қайтаришнинг бошқа шартлари билан қўйилган омонат суммасини банк омонати шартномасида назарда тутилган ҳолатлар вужудга келганидан кейин қайтариб беришни талаб қилмаса шартнома омонатни талаб қилиб олгунча сақлаш шартла-ри асосида узайтирилган деб ҳисобланади. Дейлик, сиз 2020 йил-нинг 5 январидан банкка бир йиллик муддатли омонат қўйгансиз. Бир йиллик муддат ўтгандан кейин банкка қўйган омонатингизни қайтариб олишни талаб қилмаган тақдирингизда омонат талаб қилингунча сақланадиган омонат шартлари асосида узайтирилиб давом этаверади.

Банк омонати суммасига фоизлар омонат банкка тушган кун-нинг эртасидан бошлаб, омонатчига қайтарилган ёки бошқа асос-ларга кўра омонатчининг ҳисобварағидан учирилган кундан ол-динги кунгача ёзилади. Омонатчининг ҳисобварағи қонунчиликда белгиланган айрим ҳолатларга кўра хатланганлиги оқибатида

банк ушбу ҳисобварақдаги пул маблағларидан фойдалана олманган давр учун фоизлар ёзилмайди.

Ҳар бир шахс ўзининг омонат қолдиғи, ҳар ойда қўяётган пул суммалари ва кунлик йиғилиб борилаётган фоиз пул миқдорларини, омонат муддати тугаши ҳақидаги маълумотларни, шунингдек бошқа зарур маълумотларни ҳар бир банкнинг мобил иловасидан фойдаланган ҳолда ёки ўрнатилган инфокиосклар ёрдамида ёхуд интернет тармоғида банкнинг веб-сайтида очилган шахсий кабинетига кириб олиши мумкин.

БАНК ОМОНАТЛАРИНИНГ СИР ТУТИЛИШИ ВА ҲИМОЯЛАНИШИ КАФОЛАТЛАРИ

Ҳар бир шахснинг банкка қўйилган омонатлари сир тутилади ҳамда «Банк сирини тўғрисида»ги Қонунга асосан банк томонидан муҳофаза қилиниши кафолатланади.

Мазкур Қонуннинг 3-моддасига кўра, банк томонидан муҳофаза қилинадиган банк сирини маълумотларига банк мижозлари (вакиллари)нинг (кейинги ўринларда – мижоз) операциялари, ҳисобварақлари ва омонатлари ҳам кириши белгиланган.

Қандай ҳолларда банк сирини ошкор қилинган деб ҳисобланади?

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш, оғзаки ёки ёзма шаклда ёхуд бошқа йўллар билан тарқатиш, маълум қилиш, учинчи шахслар эътиборига етказиш, бундай маълумотларни қўлга киритиши учун учинчи шахсларга бевосита ёки билвосита, шу жумладан, ана шундай маълумотлар хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топширилган ёхуд маълум бўлиб қолган ёки белгиланган тартибда тақдим этилган шахслар томонидан бундай маълумотларни сақлаш тартибининг бузилиши оқибатида имконият яратиб бериш банк сирини ошкор қилиш ҳисобланади.

Банк, унинг мижози ва Марказий банкдан ташқари бошқа барча шахслар учинчи шахслар ҳисобланади.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг банк томонидан учинчи шахсларга мазкур Қонунда назарда тутилган мақсад

ва ҳолатларда берилиши банк сирининг ошкор қилиниши, деб ҳисобланмайди.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топширилган ёки маълум бўлиб қолган, белгиланган тартибда тақдим этилган шахслар томонидан ошкор қилиниши ёки улардан шахсий мақсадда, бошқа шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланилиши тақиқланади.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг муҳофаза қилиниши банк томонидан кафолатланади. Банкнинг раҳбари ёки бошқа ходими банкда ишлаш даврида ўзига маълум бўлиб қолган банк сирини ташкил этувчи маълумотларни унинг банк билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин ҳам ошкор қилишга ҳақли эмас.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар мижознинг ўзига, у ваколат берган вакилларга, шунингдек, мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворисликни тасдиқловчи барча зарур ҳужжатларни тақдим этганда унинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворисларига белгиланган тартибда тақдим этилади.

«Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга кўра, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди (кейинги ўринларда – Фонд) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг омонатлари ҳимояланишини таъминлаш мақсадида ташкил этилади. Банк лицензияси Марказий банк томонидан чақириб олинган (бекор қилинган) тақдирда, фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича кафолатли ҳақ тўлаш Фонд фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

Банклар молиявий жиҳатдан тўлов қобилятига эга бўлмаган, тугатилаётган ва бошқа сабабларга кўра лицензияси чақириб олинган ҳолатларда фуқароларнинг банклардаги омонатини қайтариб бериш биринчи навбатда кафолатланган.

Бунда, Фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлаш банк ва Фонд маблағлари ҳисобидан тўлиқ ҳажмда амалга оширилади.

Фуқароларнинг банклардаги чет эл валютасидаги омонатлари бўйича ҳақ тўлаш Марказий банк томонидан белгиланган, банк лицензияси чақириб олинган кунги курс бўйича миллий валютада амалга оширилади.

III. МЕРОС БЎЙИЧА ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР



МЕРОС ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

Ҳар бир шахс ва оила яхши билиши лозим бўлган масалалардан бири мерос масаласидир. Мерос деганда, вафот этган шахснинг ўзидан кейин қолдирган моддий бойликлари кўзда тутилади. Мерос масаласи деярли ҳамма халқлар ҳаётида учрайди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мерос билан боғлиқ низолар, асосан, қон-қариндош бўлган ота (она) ва фарзандлар, ака-ука, опа-сингил каби ворислар ўртасида юзага келади ҳамда бунга асосан уларнинг амалдаги қонун нормаларини билмаслиги ва бири бошқасининг ҳуқуқини тан олмаслиги сабаб бўлади. Мерос мулкани тақсимлашда ворислар ўзаро келишишлари энг мақбул ечим ҳисобланади. Чунки, низолашиш (суд томонидан қонуний ечим топилган тақдирда ҳам) ворислар ўртасидаги ўзаро яқинлик муносабатларига, меҳр-оқибатга путур етказилади.

Фуқаролик кодексида белгиланишича, ворислик (мерос) ҳуқуқи **икки хил асосга кўра**, яъни васият ва қонун бўйича вужудга келади. Бунда васият бўйича ворислик – фуқаронинг ўзига те-

гишли мол-мулкини ёки бу мол-мулка бўлган ҳуқуқларини вафот этган тақдирда, бошқа шахсга ўтказиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади. Қонунчиликка мувофиқ, васиятнома васият қолдирувчининг шахсан ўзи иштирокида тузилиши лозим бўлиб, уни вакил орқали расмийлаштириш мумкин эмас.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, фуқаро ўзининг барча мол-мулкини ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек, кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин. Бундан ташқари, васият қолдирувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли. Шунингдек, мерос қолдирувчи васиятнома тузилганидан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ва ўзгартириш борасида эркин бўлиб, бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас.

Васиятномининг шаклига доир талаблар хусусида сўз юритадиган бўлсак, васиятнома ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилиши лозим. Шу билан бир қаторда қуйидаги васиятномалар ёзма шаклда тузилган ҳисобланади:

- нотариал тасдиқланган васиятномалар;
- нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар.

Бунда ёзма шаклдаги васиятнома васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши лозим. Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномаи ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномаи тасдиқлайдиган бошқа шахс ҳозир бўлганида васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин.

Юқорида белгиланган талабларга мувофиқ тузилмаган васиятнома ҳақиқий ҳисобланмайди. Агарда васиятнома ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, ушбу васиятномага биноан меросдан маҳрум бўлган меросхўр умумий асосларда мерос олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Кимлар васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаши мумкин эмас?

- нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс;
- васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, неваралари ва чеваралари, шунингдек, васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари;
- тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар;
- саводсизлар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар;
- ёлғон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар.

Васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёхуд унда мавжуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгартиришга ёки тўлдиришга ҳақли.

МЕРОС ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА НАВБАТ ҲАМДА МЕРОС БИЛАН БОҒЛИҚ ҲОЛАТЛАР

Фуқаролар кўп ҳолларда эр (ёки хотин) вафот этганидан кейин унинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи хотинига (ёки эрига) бирдан ўтади деб янглишадилар. Шунингдек, ҳозирга қадар ота-онанинг мол-мулки кенжа фарзандга тегишли бўлади деган тушунча ҳам мавжуддир. Ушбу тушунчалар нотўғри ҳамда меросни тақсимлашнинг қонуний тартиби қонунчиликда батафсил ёритилган.

Хусусан, қонун бўйича ворислик ҳуқуқи Фуқаролик кодексининг 1135 – 1141-моддаларида назарда тутилган навбат тартиби асосида вужудга келади. Қонун бўйича беш хил навбатдаги ворислар кўрсатилган бўлиб, ушбу навбат қуйидагича кўринишда амалга оширилади:

- биринчи навбатдаги ворислар – мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар), шунингдек, мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари;

Мерос очилган пайтда мерос колдирувчига тегишли булган, унингт лимидан кейин ҳам берор булмайдиган барча хукук ва мажбуриятлар мерос таркибига киряди.

Мерос очилган пайтда мерос колдирувчига тегишли булган, унингт лимидан кейин ҳам берор булмайдиган барча хукук ва мажбуриятлар мерос таркибига киряди.

Мерос очилган пайтда мерос колдирувчига тегишли булган, унингт лимидан кейин ҳам берор булмайдиган барча хукук ва мажбуриятлар мерос таркибига киряди.

сура кунду?

Мерос олунда кунду иттиезли меросхукуклар тоифа-

- мехнатга кобилиятсиз бокиларни.
- бешинчи навбатдаги ворислар – мерос колдирувчининини булган бошқа кариндотларни;
- олтинчи даражагача (олтинчи даража ҳам шунга кирди, бунда яккинрок кариндотлар узокрок кариндотларга нисбатан мерос олунда иттиезли хукукка эга буладилар)
- туртинчи навбатдаги ворислар – мерос колдирувчининини тутишган амакиси, тофаси, аммаси ва холаси;
- учинчи навбатдаги ворислар – мерос колдирувчининини рафдан бодоси ва бувиси;
- иккинчи навбатдаги ворислар – мерос колдирувчининини тутишган ҳамда она (ота) бир ота (она) бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек, унингт ҳам ота, ҳам она та-

тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.

Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин. Бундан ташқари мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, шунингдек, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Кимлар меросдан маҳрум қилиниши мумкин?

Мерос қолдирувчини ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан бирортасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Васият қилувчи ўз ҳаётига суиқасд қилинганидан кейин васиятнома берган шахслар бундан мустасно.

Мерос қолдирувчи ўзининг охириги хоҳиш-иродасини амалга оширишига қасддан тўсқинлик қилган ва шу орқали ўзларининг ёки ўзларига яқин шахсларнинг ворисликка чақирилишига ёхуд мероснинг ўзларига ёки ўзларига яқин шахсларга тегишли улуши кўпайтирилишига имкон яратган шахслар васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Болаларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган ва мерос очилган пайтда бу ҳуқуқлари тикланмаган ота-оналар ана шу болалардан қолган мулкка ворис бўлиш ҳуқуқига эга эмаслар. Шунингдек, мерос қолдирувчига таъминлаб туриш юзасидан қонунга кўра зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаган ота-оналар (фарзандликка олувчилар) ва вояга етган болалар (фарзандликка олинганлар) қонун бўйича ворислик қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш нотариал ҳаракат турларидан бири ҳисобланади. Ушбу нотариал ҳаракат мураккаб жараён эканлиги боис нотариусдан алоҳида эътибор, юксак билим ва тажрибани талаб қилади. Амалдаги қонунчиликка кўра, меросхўр ўзига тегиши лозим бўлган меросни ёки унинг бир қисмини (улушини) олиш ҳуқуқига, агар у кейинчалик меросдан воз кечмаса, ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса ва уни

меросхўр этиб тайинлаш тўғрисидаги васият фармойиши ҳақиқий эмас деб топилиши натижасида мерос олиш ҳуқуқини йўқотмаса, мерос очилган вақтдан эътиборан эга бўлади.

Бунда мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра, унга меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериши шарт. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин берилади. Қонун бўйича мерос олинганида ҳам, васиятнома бўйича мерос олинганида ҳам, агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасидан олдин берилиши мумкин.

МЕРОСДАН ВОЗ КЕЧИШ ТАРТИБИ

Меросхўр мерос очилган кундан эътиборан исталган вақтда меросдан воз кечишга ҳақли. Меросдан воз кечиш меросхўр томонидан мерос очилган жойдаги нотариусга ариза бериш орқали амалга оширилади. Агар ишончномада вакил орқали меросдан воз кечиш ваколоти махсус назарда тутилган бўлса, меросдан шу тарзда воз кечилиши мумкин. Меросдан воз кечиш кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олиниши мумкин эмас. Агар меросхўр васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам ворисликка чақирилса, у ана шу асосларнинг бири ёки ҳар иккаласи бўйича ўзига тегишли бўлган меросдан воз кечишга ҳақли.

Агар қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса ёхуд меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос мол-мулк эгасиз деб ҳисобланади. Мерос мол-мулк мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризаси бўйича мерос очилган кундан эътиборан уч йил ўтганидан кейин суднинг қарори асосида эгасиз деб топилади. Мерос мол-мулк, агар уни қўриқлаш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлар унинг қийматидан ошиб кетса, кўрсатилган муддат ўтишидан олдин эгасиз деб топилиши мумкин.

IV. АЙРИМ ШАХСЛАРГА ОИД ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТНИНГ КАФОЛАТЛАРИ



ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

Ижтимоий таъминот – давлатнинг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган қатламларини уларнинг асосий моддий эҳтиёжларини қондириш, уларга нафақа ва бошқа кўринишдаги моддий ёрдам кўрсатиш учун олиб борадиган махсус фаолиятидир. Бошқача айтганда, ижтимоий таъминот – ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлашга муҳтож фуқароларнинг моддий жиҳатдан таъминлашнинг давлат тизимидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жамиятнинг мазкур қатламлари учун ижтимоий таъминотни кафолатлайди.

Ижтимоий таъминот билан боғлиқ масалалар умумжаҳон миқёсида аҳамият касб этганлиги сабабли халқаро ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 25-моддасида ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг

саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан, кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Конституциямизнинг 39-моддаси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ушбу нормаларига тўла мос келади.

Бундан ташқари, 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»да ҳамда уларнинг факультатив протоколларида фуқароларнинг ижтимоий таъминот олишга доир ҳуқуқи ва давлатнинг мазкур ҳуқуқни таъминлаш билан боғлиқ мажбуриятлари мустақамлаб қўйилган бўлиб, унинг 11-моддасида давлатлар томонидан ҳар бир киши ўзи ва оиласи учун етарлича озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой ҳамда турмуш шароити тўхтовсиз яхшиланиб боришини ўз ичига оладиган етарли турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқининг эътироф этилиши белгиланган. Ушбу норма Конституциямиз 39-моддасининг иккинчи қисмида ўз ифодасини топган. Давлатимиз мазкур Конвенцияга 1995 йилда қўшилган.

Дарҳақиқат, юртимиз фуқароларининг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларининг муҳим йўналишларидан бири вояга етмаганлар, болалиқдан ногиронлар, меҳнатга қобилиятсизлар ва қариялар ҳамда ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясига олинганлигидадир.

ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ОЛИШ ҲУҚУҚИ

Турли сабабларга кўра, ота-онасининг парвариши ва моддий таъминотидан маҳрум бўлиб қолган етим болалар, ногиронлар ва қарияларга, моддий мададга эҳтиёжманд бўлган фуқароларга давлат ғамхўрлиги кўрсатилади ва уларнинг моддий таъминотига кўмаклашиш давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим жиҳатларидан биридир.

Меҳнат кодексининг 16-моддасида ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва

қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига, шунингдек, ўзининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган.

Меҳнат кодекси ва «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат томонидан пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган. Бунда, республика ҳудудидан ташқарида яшаб турган фуқароларни пенсия билан таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида амалга оширилади. Юртимизда доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш стажига эга бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оилаларини ижтимоий таъминлаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Пенсия – уни олиш ҳуқуқи Қонунда белгиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ аниқланадиган ҳамда шахсларга пенсия ёшига тўлиш, ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик муносабати билан бериладиган ойлик пул тўлови.

Қонунчиликка мувофиқ, давлат пенсияларининг қуйидаги турлари белгиланади:

- ёшга доир пенсия;
- ногиронлик пенсияси;
- боқувчисини йўқотганлик пенсияси.

Давлат пенсияларининг турли хилларини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга уларнинг ўзлари танлаган битта пенсия тайинланади.

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига:

- эраклар – 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда;
- аёллар – 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.

Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхатларга мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифалари имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

а) ёшидан қатъи назар, қуйидагилар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

- кон саноатидаги етакчи касб эгалари бўлган ходимлар – агарда, шу ишларда камида 20 йил ишлаган бўлсалар;
- бевосита ерости ва очик кон ишларида (кон-қутқарув қисмларининг шахсий таркиби) кўмир, маъданлар ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олишда, шахталар ва конлар қурилишида тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар – агарда, шу ишларда камида 25 йил ишлаган бўлсалар;
- учувчилар ва учувчи-синовчилар таркибига кирувчи ходимлар, улар хизмат қилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг идоравий бўйсунувидан қатъи назар, белгиланган хизмат муддатини ана шу лавозимларда эркаклар камида 25 йил ва аёллар камида 20 йил адо этганлари тақдирда;
- театрлар ва бошқа театр-томоша корхоналари артистларининг айрим тоифалари;
- спортчиларнинг айрим тоифалари.

б) охирги иш жойидан қатъи назар, қуйидагилар ёшга доир пенсияни белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

- ерости ишларида, меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар (эркаклар – иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда, аёллар – иш стажи камида 15 йил бўлиб, бундан камида 7 йилу 6 ойи кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда);
- цирklar ва концерт ташкилотлари артистларининг айрим тоифалари ижодий ишдаги стажи камида 20 йил бўлган тақдирда.

Ер ости ишларидаги меҳнат стажи эркакларда 10 йилдан кам ва аёлларда 7 йилу 6 ойдан кам бўлган ҳолларда ходимларга

бу ишлардаги ҳар бир тўлиқ йил учун ушбу пенсия ёши 1 йилга қисқартирилади.

Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда – эркаклар камида 5 йил, аёллар камида 3 йил 9 ой – ишлаган ходимларга пенсия ёши шундай ишда банд бўлинган ҳар бир тўлиқ йил учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда тайинланади;

в) охирги иш жойидан қатъи назар, қуйидагилар белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

- уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар;
- меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш кунни давомида банд бўлган ходимлар.

Бунда, эркаклар – иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 12 йилу 6 ойи, аёллар – иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили мазкур ишларга тўғри келган тақдирда.

- Меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда – эркаклар камида 6 йилу 3 ой, аёллар камида 5 йил – ишлаган ходимларга пенсия ёши эркакларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йилу 6 ойи учун ва аёлларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йили учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда тайинланади;
- болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни саккиз ёшгача тарбиялаган бўлса – иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда. Бунда, аёл ўғай ўғил ва ўғай қизни улар 8 ёшга тўлгунига қадар камида 5 йил тарбиялаган бўлса, пенсия тайинлашда улар ҳақиқий фарзандлар билан тенг равишда ҳисобга олинади;
- ногирон болалар учун ихтисослашган таълим муассасалари, «Меҳрибонлик» уйлари, ҳарбий академик лицейлар, тарбия колониялари ўқитувчилари – махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда;
- ихтисослашган тиббий муассасаларнинг шифокорлари ва ўрта тиббий ходимлари – махсус иш стажи қишлоқ жойида камида 25 йил ва шаҳарларда камида 30 йил бўлган тақдирда;

- қариялар, ногиронлар ва ёлғиз фуқароларга хизмат кўрсатишда бевосита банд бўлган ижтимоий ходимлар. Эркаклар – махсус иш стажи камида 25 йил, аёллар – махсус иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда.

э) ёшни 15 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига гипофизар миттилик касалига чалинганлар (лилипутлар) ва гавда тузлишида мутаносиблик бузилган паканалар олиш ҳуқуқига эга. Эркаклар – иш стажи камида 20 йил, аёллар – иш стажи камида 15 йил бўлганда эга.

Шунингдек, ёшга доир пенсияларни муддатидан олдин тайинлаш технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахсларга, яъни эркаклар – 58 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 25 йил, аёллар – 53 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда татбиқ этилади.

Ёшга доир пенсия ва ёшга доир нафақанинг бир-биридан фарқлаш зарур. Шахс қонунчиликда белгиланган етарли иш стажига эга бўлганда – ёшга доир пенсия, шахс етарли иш стажига эга бўлмаганда – ёшга доир нафақа тайинланади.

Ногиронлик пенсиялари I ва II гуруҳ ногиронлари деб топилган шахсларга тайинланади. Соғлиғини ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига қараб, ногиронликнинг уч гуруҳи аниқланади. Ногиронлик сабаблари ва гуруҳлари, шунингдек, ногиронлик бошланган вақт ва ногиронликнинг қанча муддатга белгиланиши тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан аниқланади.

Меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиялари иш стажидан қатъи назар, тайинланади.

Умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиялари ногиронлик бошланган пайтга қадар қуйидагича иш стажига эга бўлган тақдирда тайинланади:

Ёш	Иш стажи
20 ёшдан 23 ёшга қадар	2
23 ёшдан 26 ёшга қадар	3
26 ёшдан 31 ёшга қадар	5
31 ёшдан 36 ёшга қадар	7
36 ёшдан 41 ёшга қадар	9
41 ёшдан 46 ёшга қадар	11
46 ёшдан 51 ёшга қадар	14
51 ёшдан 56 ёшга қадар	17
56 ёш ва ундан ошганда	20

20 ёшга тўлгунга қадар умумий касаллик туфайли иш даврида ёки ишлаш тўхтатилганидан кейин ногирон бўлиб қолган шахсларга пенсиялар иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиясидан умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиясига ўтказилганда, зарур стаж ногиронлик дастлаб белгиланган вақтдаги ёшга қараб аниқланади.

Агар юқоридаги ҳолат бўйича пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажи бўлмаса, умумий касаллик оқибатидаги I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияси мавжуд стажга мутаносиб миқдорда тайинланади. Бунда, I гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун – ёшга доир энг кам пенсиянинг 100 фоизидан, II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун – ёшга доир энг кам пенсиянинг 75 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

Ногиронлик пенсияси ва ногиронлик нафақасини бири-биридан фарқлаш зарур. I ва II гуруҳ ногиронлари қонунчиликда белгиланган етарли иш стажига эга бўлганда – ногиронлик пенсияси, I ва II гуруҳ ногиронлари етарли иш стажига эга бўлмаганда эса ногиронлик нафақаси тайинланади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсиялари меҳнатда майиб бўлиш ёки касб касаллиги туфайли вафот этган боқувчининг меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига, унинг меҳнат фаолиятининг муддатидан қатъи назар тайинланади, агар у бошқа сабаблар

натижасида вафот этган бўлса, шунга мувофиқ келадиган умумий меҳнат стажига қараб тайинланади, бундай меҳнат стажининг муддати суғурта қилинган ходимнинг вафот этган кунига қадар бўлган ёшига боғлиқ бўлади.

Бунда фарзандларга ва ота-онадан бири ёки эр (хотин) ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа-сингил вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунга қадар боқиш билан машғул бўлиб ишламаса пенсия улар боқувчининг қарамоғида турган-турмаганликдан қатъи назар тайинланади.

Кимлар оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари ҳисобланади?

а) 16 ёшга тўлмаган болалар, ака-укалар, опа-сингиллар ва набиралар ёки 16 ёшдан катта бўлса ҳам 16 ёшга тўлмасдан ногирон бўлиб қолган бўлсалар. Бунда ака-укалар, опа-сингиллар ва набираларнинг меҳнатга қобилиятли ота-онаси бўлмаса;

б) ота, она, ўғай ота (она), эр (хотин), агарда улар пенсия ёшига тўлган ёки ногирон бўлсалар;

в) ёшидан ва меҳнат қобилиятидан қатъи назар, ота-онадан бири ёки эр (хотин) ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа-сингил вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунга қадар боқиш билан машғул бўлиб ишламаса;

г) бува ва буви – агар уларни боқиши шарт бўлган кишилар мавжуд бўлмаса.

Шунингдек, ўқувчилар 18 ёшга тўлгунга қадар боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаган фарзандлар, улар фарзандликка олинган тақдирда ҳам бу ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

Ўғай ўғил ва ўғай қиз ота-оналаридан алимент олмаган бўлсалар, ҳақиқий фарзандлар сингари пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўғай ота ва ўғай она вафот этган ўғай ўғилни (қизни) 18 ёшга тўлгунга қадар камида 5 йил тарбиялаган ёки боққан бўлсалар, ҳақиқий ота ва она сингари пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Мазкур қоидалар боқувчининг бедарак йўқолганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган бўлса, бедарак йўқолганларнинг оилаларига ҳам жорий қилинади.

Умумий касаллик оқибатида вафот этган ҳамда ногиронлик пенсиясини тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган боқувчисини йўқотган оила аъзоларига пенсия боқувчининг бор стажига мутаносиб равишдаги миқдорда тайинланади. Бунда, оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун – ёшга доир энг кам пенсиянинг 50 фоизидан, ҳам отаси, ҳам онасидан жудо бўлган (чин етим) ҳар бир болага боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун – ёшга доир энг кам пенсиянинг 100 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

Пенсия тайинлаш, унинг миқдорини қайта ҳисоблаб чиқиш, бир туридан бошқа турига ўтказиш, шунингдек, илгари тўхтатилган пенсия тўлашни белгиланган тартибда тиклаш тўғрисида Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига мурожаат қилиниб, ариза берилади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва боқувчисини йўқотганлик нафақасини бир-биридан фарқлаш зарур. Боқувчи қонунчиликда белгиланган етарли иш стажига эга бўлиб вафот этганда унинг меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига – боқувчисини йўқотганлик пенсияси, боқувчи қонунчиликда белгиланган етарли иш стажига эга бўлмаганда эса унинг меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига – боқувчисини йўқотганлик нафақаси тайинланади.

Бир пенсиядан бошқасига ўтказиш пенсионер тегишли ариза ва барча зарур ҳужжатлар билан мурожаат этган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан эътиборан амалга оширилади.

Таъкидлаш лозимки, «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармонида кўра, 2019 йил 1 январдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга пенсияларнинг тўлиқ миқдорда тўланишининг белгиланганлиги пенсионерлар учун қўшимча имтиёз ва ҳуқуқ бўлди.

Давлат ижтимоий жиҳатдан ҳимояга муҳтож қатламларга ғамхўрлик қилади. Юқорида қайд этиб ўтилган пенсияларнинг ҳеч қайси бирига солиқ солинмаслиги, ушбу пенсиялар аҳолининг

кенг қамровини қамраб олганлиги, ҳар қандай ҳолатларда ушбу имтиёз ва кафолатлардан фойдалана олиш имконияти ва кафолатларининг яратилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

НАФАҚАЛАР ВА БОШҚА ИЖТИМОЙ ЁРДАМ ТУРЛАРИ

Меҳнат кодексида Давлат ижтимоий суғуртаси ҳисобидан бериладиган таъминот турлари кўрсатилган бўлиб, унга кўра, суғурта қилинган ходимлар, тегишли ҳолларда эса, уларнинг оилалари ҳам давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан:

- вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, аёллар эса, бундан ташқари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари;
- бола туғилганда бериладиган нафақалар;
- дафн этиш маросими учун бериладиган нафақалар;
- давлат томонидан бериладиган ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари;
- қонунчиликда назарда тутилган бошқа тўловлар билан таъминланадилар.

Давлат ижтимоий суғуртаси маблағларидан санаторий-курортларда даволаниш, дам олиш, суғурта қилинган ходимларнинг шифобахш (парҳез) таомлари учун ҳақ тўлаш, болаларнинг соғломлаштириш лагерларини таъминлаб туриш каби тадбирлар учун ҳам белгиланган тартибда фойдаланилади.

Давлат ижтимоий суғуртаси – давлат томонидан жорий этиладиган, назорат қилинадиган ва кафолатланадиган кексалар, меҳнатга лаёқатсизларни таъминлаш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизими. Ижтимоий суғурта кутилмаган ижтимоий ҳодисалар турлари бўлмиш касаллик, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, ногиронлик, кексалик, ҳомиладорлик, ўлим ҳолатларида берилади. Барча ходимлар давлат йўли билан ижтимоий суғурта қилинади. Давлат ижтимоий суғуртаси учун иш берувчилар, шунингдек суғурта қилинган ходимларнинг ўзлари бадал тўлайдилар. Иш берувчиларнинг давлат ижтимоий суғуртаси учун бадал тўламаганликлари суғурта қилинган ходимни давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан таъминланиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Бундан ташқари, касал бўлинганда, меҳнатда майиб бўлган ёки шикастланганда, шу жумладан турмушда жароҳатланганда, оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилганда, карантин эълон қилинганда, санаторий-курортда даволанганда ва протез қилинганда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тайинлаш учун бериладиган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси (касаллик варақаси) асос бўлади. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа меҳнат қобилияти йўқолган биринчи кундан то у тиклангунга қадар ёки ногиронлик белгилангунга қадар берилади.

Қандай ҳолларда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси берилмайди?

- Ишдан ёки бошқа вазифалардан бўйин товлаш мақсадида ўз саломатлигига атайлаб зиён етказган ёхуд ўзини касалликка солганда;
- гиёҳвандлик ёки мастлик билан боғлиқ ҳаракатлар оқибатида, шунингдек, спиртли ва гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш натижасида касалликка чалинган ёки жароҳатланганда;
- жиноят содир қилиш вақтида жароҳатланганда;
- руҳий касаллардан ташқари, суд қарори асосида мажбурий даволанишга юборилганда;
- ҳибсда бўлган даврда;
- суд-тиббиёт экспертизасидан ўтиш даврида.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси меҳнатда майиб бўлган ва касб касаллигига чалинганда иш ҳақининг тўлиқ миқдоридан, бошқа ҳолларда эса, ходимнинг давлат ижтимоий суғуртаси бадалларини тўлаган муддатига (умумий иш стажига), қарамоғидаги вояга етмаган болаларининг сони ва бошқа ҳолатларга қараб, иш ҳақининг олтмиш фоизидан юз фоизигача миқдорда тўланади. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасининг энг кам миқдори қонунчиликда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 35,2 фоизидан оз бўлмаслиги ва нафақа ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақи миқдоридан ортиб кетмаслиги лозим.

- «Коронавирус пандемияси ва глобал инкириз ҳолатларининг ақтисодий тармоқларига салбий таъсирининг юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар туғрисида»ги Президент фармонида асосан कोरोनाвирус инфекцияси билан зарарланган киши ва зарарланган деб гумон қилиниши мундсабати билан карантинга жойлаштирилган ота-оналар (ўларнинг ўрнини боғувчи шахслар, вақилар, хомийлар), шунингдек, ўларнинг 14 ёшга бўлган бола вақилари парвариш қилаётган шахсларга ўрача ойлик шўқининг 100 фоизи миқдорда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланган. Шунингдек, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси шўқининг давомийлигини қатъий назар шўқининг 100 фоизи миқдорда қўйиладиганга тўланади:
- шўқининг 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига;
 - байналмилал жангчиларга ва ўларга тенглаштирилган шахсларга;
 - қарамонда 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч ёки ундан ортиқ бола вақиларга бўлган ҳолатларга;
 - Чернобил АЭСдаги авария вақиларини тўғатишда қатнашган ҳолатларга;
 - Чернобил АЭСдаги авария вақиларини тўғатишда иштирок қилган вақиларга радиоактив ифтидорларнинг зонасида эвакуация қилинган ва қўчирилган, қон ҳосил қилувчи органлар қасалликларига (ўткир лейкоз), қалқонсимон без (рак) ва хавфли ўсмалар билан боғлиқ қасалликларга чалинган ҳолатларга;
 - меҳнатда майибланиш ва қасб қасаллиги натижасида вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган ҳолатларга.
- Сил қасаллиги, онкология қасалликларига, янгидан пайдо бўладиган хавфли ўсма вақилар билан ўтайдиган қасалликлар, ОИВ (СПИД), мохов (лепра) қасаллиги, рухий қасалликлар бўйича ҳисобга турган ҳолатларга ўлар томонидан давлат ижтимоий сўғурта бадалли тўлаган даврининг (ўмумий шўқининг) давомийлигига боғлиқ равишда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қўйиладиганга тўланади:
- ўмумий шўқини ва ундан ортиқ бўлган ҳолатларга шўқининг 100 фоизи миқдорда;

- умумий иш стажи 5 йилдан 8 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида;
- умумий иш стажи 5 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида.

Қолган барча ходимларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа қуйидаги миқдорларда тўланади:

- умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга ҳамда 21 ёшга етмаган чин (сағир) етимларга иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида;
- умумий иш стажи 8 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида.

Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси аёлларга туққунга қадар етмиш календарь кун ва туққанидан кейин эллик олти календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда – етмиш календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади. Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани тайинлаш ва тўлаш учун белгиланган тартибда берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асос бўлади.

Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ҳомиладорлик ва туғиш таътилининг бутун даврида тўлиқ иш ҳақи миқдорида тўланади. Ҳомиладорлик ва туғиш таътили жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқилиб, туғишга қадар амалда бундай таътилнинг неча кунидан фойдаланилганидан қатъи назар тўлиқ берилади.

Бола туғилганда бериладиган нафақа бола туғилганда бир йўла берилади. Бунда, боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс (ариза берувчи)лар Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали бола туғилган кундан бошлаб 6 ой муддат ичида мурожаат қилишлари лозим. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этади ёки давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХП рўйхатдан ўтиб электрон тарзда сўровномани тўлдиради *(1-илова)*.

Бола туғилганда бериладиган нафақа ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида берилади.

Фарзанд туғилганда бериладиган нафақани тайинлаш юзасидан муружаат қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш

50

Босқичлар	Субъектлар	Механизм	Муддатлар
1-босқич	Ариза берувчи	<ol style="list-style-type: none"> 1. Фарзанд туғилганда бериладиган нафақа тайинлаш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келган ҳолда муружаат қилади. 2. ЯИДХПда рўйхатдан ўтади ва сўровнома шаклини тўлдиради. 	Бола туғилган кундан бошлаб 6 ой муддатда
2-босқич	<ol style="list-style-type: none"> 1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХП 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Сўровномани тўлдириб, электрон шаклда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига юборади. 2. Сўровномани Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига юборади. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг 5 дақиқада 2. Автоматик тарзда
3-босқич	Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими	<ol style="list-style-type: none"> 1. Фарзанд туғилганда берилдиган нафақа тайинлаш ёки рад этиш ҳақида тегишли қарор қабул қилади. 2. Нафақа тайинланган тақдирда нафақани қачон ва қаердан олиш тўғрисидаги маълумотни тегишли Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХПга электрон тарзда юборади. 3. Нафақа тайинлаш рад этилган тақдирда рад этиш сабаблари кўрсатилган маълумотни тегишли Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХПга электрон тарзда юборади. 4. Нафақа тайинлаган тақдирда ҳар ойлик тўлов қайдномаларини шакллантириб, нафақани етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилотга юборади. 	Сўровнома олингандан сўнг 5 дақиқада Ҳар ойнинг 5 кунигача
4-босқич	Давлат хизматлари маркази	<ol style="list-style-type: none"> 1. Нафақа тайинлаш рад этилган тақдирда рад этиш сабаблари тўғрисида ариза берувчини хабардор қилади. 2. Нафақа пули тайинлаган тақдирда нафақани қачон ва қаердан олиш мумкинлиги тўғрисида ариза берувчини хабардор қилади. 	Маълумот олингандан сўнг 5 дақиқада

1-иллов

Дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа суғурта қилинган ходим ёки унинг оила аъзоси вафот этганда қонунчиликда белгилаб қўйиладиган миқдор ва тартибда дафн этиш маросими учун нафақа тўланади. Бунда, дафн этиш мажбуриятини зиммасига олган шахс (ариза берувчи)лар Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали фуқаро вафот этган кундан бошлаб 60 кун ичида мурожаат қилишлари лозим. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этади ёки давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХП рўйхатдан ўтиб электрон тарзда сўровномани тўлдиради *(2-илова)*.

Дафн этиш маросими учун нафақа:

- давлат пенсияси олувчи пенсионер;
- давлат ижтимоий нафақаси олувчи фуқаро;
- ходим ёки унинг қарамоғидаги оила аъзоси (яшаш учун мустақил маблағ манбаига эга бўлган (иш ҳақи, пенсия, стипендия олувчи, ширкат хўжалигининг меҳнатга қобилиятли аъзолари ҳисобланувчи ва ҳоказо) оила аъзолари қарамоғида турган деб ҳисобланмайди);
- бола ҳаётининг биринчи ҳафтаси мобайнида вафот этганда ёки ўлик бола туғилганда (перинатал ўлим);
- иш билан банд бўлган ёки банд бўлмаган шахс, фуқароларнинг айрим тоифаларига тегишли бўлган шахс ёки бола;
- юртимиз ҳудудида дафн этилган Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс вафот этган тақдирда тайинланади.

Ходим вафот этганда дафн этиш маросими учун нафақа унинг оила аъзоларига ёки дафн ўтказишни ўз зиммасига олган шахсларга, оиланинг вафот этган аъзосини дафн этиш маросими учун нафақа эса ишловчи ходимга берилади.

Аёлнинг ҳомиласи тушган ҳолларда дафн этиш маросими учун нафақа берилмайди.

Дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа дафн этиш мажбуриятини зиммасига олган шахсга пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг тўрт баравари миқдорида берилади.

Дафн маросими учун нафақа тайинлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш

Босқичлар	Субъектлар	Механизм	Муддатлар
1-босқич	Ариза берувчи	<ol style="list-style-type: none"> Дафн маросимларини ўтказиш учун бериладиган бир марталик нафақа пулини тайинлаш юзасидан Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилади. ЯИДХПда рўйхатдан ўтади ва сўровнома шаклини тўлдиради. 	<ol style="list-style-type: none"> Фуқаро вафот этган (бедарак йўқолган) кундан бошлаб 60 кунда Мурожаат қилинганда
2-босқич	<ol style="list-style-type: none"> Давлат хизматлари маркази ЯИДХП 	<ol style="list-style-type: none"> Сўровномани тўлдириб электрон шаклда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига юборади. Сўровномани Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига юборади. 	<ol style="list-style-type: none"> Сўровнома тўлдирилгандан сўнг 5 дақиқада Автоматик тарзда
3-босқич	Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими	<ol style="list-style-type: none"> Дафн этишга нафақа тайинлаш ёки рад этиш ҳақидаги тегишли қарор қабул қилади. Нафақа тайинланган тақдирда нафақани қачон ва қаердан олиш тўғрисидаги маълумотни тегишли Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХПга электрон юборади. Нафақа тайинлаш рад этилган тақдирда, рад этиш сабаблари кўрсатилган маълумотни тегишли Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХПга электрон тарзда юборади. Нафақа тайинлаган тақдирда ҳар кунлик тўлов қайдномаларини шакллантириб, нафақани етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилотга юборади. 	Сўровнома олинганидан сўнг 5 дақиқада Ҳар иш кунинда
4-босқич	Давлат хизматлари маркази	<ol style="list-style-type: none"> Нафақа тайинлаш рад этилган тақдирда, рад этиш сабаблари тўғрисида ариза берувчини хабардор қилади. Нафақа пули тайинланган тақдирда нафақани қачон ва қаердан олиш мумкинлиги тўғрисида ариза берувчини хабардор қилади. 	Маълумот олинганидан сўнг 5 дақиқада

Ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар, одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касалликка (кейинги ўринларда – ОИВ инфекцияси) чалинган 18 ёшгача бўлган шахслар ҳамда 18 ёшдан катта болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга нафақалар ҳар ойда тайинланиб тўланади.

Ушбу нафақа юртимиз фуқароларига, шунингдек, юртимизда доимий яшайдиган хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга берилади.

Ушбу нафақани олиш ҳуқуқига тиббий хулоса мавжуд бўлган тақдирда ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар, касалликнинг босқичидан қатъи назар ОИВ инфекциясига чалинган 18 ёшгача бўлган шахслар, шунингдек, тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган деб эътироф этилган 18 ёшдан катта шахслар эгадирлар.

Нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар нафақа олиш ҳуқуқи пайдо бўлгандан сўнг бирор-бир муддат билан чеклашсиз, исталган вақтда унинг тайинланиши учун мурожаат қилишлари мумкин.

Нафақани тайинлаш давлат хизматлари марказларига мурожаат қилиш ёки давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХП рўйхатдан ўтиш орқали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан амалга оширилади (3-илова).

Нафақа тайинлаш тўғрисидаги мурожаат:

- ОИВ инфекциясига чалинган шахс ва 18 ёшдан катта болаликдан ногиронлиги бўлган шахс томонидан;
- ОИВ инфекциясига чалинган шахснинг ва муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган 18 ёшдан катта болаликдан ногиронлиги бўлган шахснинг ота-онаси, фарзандликка олувчиси, васийси ёки ҳомийси томонидан;
- ногиронлиги бўлган боланинг, шунингдек ОИВ инфекциясига чалинган 18 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси, фарзандликка олувчиси, оилага тарбияга олган (патронат) тутинган ота-онаси, васийси ёки ҳомийси томонидан давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилади.

Ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга ва одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касалликка (ОИВ инфекциясига) чалинган 18 ёшгача бўлган шахсларга ҳамда 18 ёшдан катта болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга нафақани тайинлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш

Босқичлар	Субъектлар	Механизм	Муддатлар
1-босқич	Мурожаат қилувчи <i>(яқин қариндошлари, ишончли вакили, васий ёки ҳомий)</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Нафақа тайинлаш юзасидан давлат хизматлари марказига келиб мурожаат қилади. 2. ЯИДХПда рўйхатдан ўтади ва сўровнома шаклини тўлдиради. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Хоҳишига кўра 2. Мурожаат қилинганда
2-босқич	<ol style="list-style-type: none"> 1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХП 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Сўровномани тўлдириб, электрон шаклда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига юборади. 2. Сўровномани Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига юборади. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг 5 дақиқада 2. Автоматик тарзда
3-босқич	Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими	<ol style="list-style-type: none"> 1. Нафақа тайинлаш учун фуқаронинг болаликдан ногиронлигини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ахборот тизимлари орқали ўрганади. 2. Ўрганиш натижасига асосан нафақа тайинлаш ёки рад этиш тўғрисидаги тегишли қарор қабул қилади. <p>Нафақа тайинланган тақдирда, нафақани қачон ва қаердан олиш тўғрисидаги маълумотни тегишли Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХПга электрон тарзда юборади.</p> <p>Нафақа тайинлаш рад этилган тақдирда, рад этиш сабаблари кўрсатилган маълумотни тегишли Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХПга электрон тарзда юборади.</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Сўровнома тушганидан сўнг 5 дақиқада 2. Маълумотлар ўрганилгандан сўнг 5 дақиқада
4-босқич	Давлат хизматлари маркази	<p>Нафақа тайинланган тақдирда, нафақани қачон ва қаердан олиш тўғрисида мурожаат қилувчини хабардор қилади.</p> <p>Нафақа тайинлаш рад этилган тақдирда, рад этиш сабаблари тўғрисида мурожаат қилувчини хабардор қилади.</p>	Маълумот олдингандан сўнг 5 дақиқада

Манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нафақа тайинлаш тўғрисидаги муурожаат манзил-колония маъмурияти томонидан бевосита манзил-колония жойлашган ердаги Давлат хизматлари марказига берилади.

Нафақа тайинлашни сўраб ногиронлик белгиланган ёки касалликнинг босқичидан қатъи назар ОИВ инфекциясига чалинганлиги тўғрисидаги тиббий хулоса берилган кундан бошлаб олтмиш кун ичида муурожаат этилган бўлса, нафақа ногиронлик белгиланган ёки ОИВ инфекциясига чалинганлиги тўғрисидаги тиббий хулоса берилган кундан эътиборан тайинланади. Қолган барча ҳолатларда нафақа муурожаат қилинган кундан бошлаб тайинланади.

18 ёшдан катта болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсга нафақа ногиронликнинг бутун даврига тайинланади. Ногиронлиги бўлган болага нафақа тиббий хулоса берилган муддатга тайинланади.

ОИВ инфекциясига чалинган шахсга нафақа у 18 ёшга тўлгунгача бўлган муддатга тайинланади.

Тайинланган нафақа 18 ёшдан катта болалиқдан ногиронлиги бўлган шахс, ногиронлиги бўлган бола ёхуд ОИВ инфекциясига чалинган 18 ёшга тўлмаган шахс тўлиқ давлат таъминотида бўлган давр учун тўланмайди.

Ногиронлиги бўлган болага, ОИВ инфекциясига чалинган 18 ёшга тўлмаган шахсга ёки 18 ёшдан катта болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсга тегишли бўлган ва унинг вафот этиши сабабли олинмай қолган нафақа суммаси мерос таркибига киритилмайди ва унинг ота-онасига, эрига (хотинига), шунингдек, ушбу шахслар билан у вафот этган кунда бирга яшайдиган оила аъзоларига вафот этган ой учун тўлиқ миқдорда тўланади. Бир неча шахс муурожаат қилишганда уларга тегишли нафақа суммаси улар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади. Ушбу сумма шахс вафотидан кейин 6 ойдан кечикмай муурожаат қилинган тақдирда тўланади.

Давлат пенсияси тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган шахсларга, ёшидан қатъи назар, иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ҳамда болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналарга нафақалар ҳар ойда тайинланиб тўланади.

Нафақа юртимиз фуқароларига, шунингдек, юртимизда доимий яшайдиган хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга берилади.

Нафақани тайинлаш давлат хизматлари марказларига мурожаат қилиш ёки давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХП рўйхатдан ўтиш орқали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нафақа тайинлаш тўғрисида манзил-колония маъмурияти томонидан бевосита манзил-колония жойлашган ердаги Давлат хизматлари марказига мурожаат қилинади.

Ёшга доир нафақа:

- иш стажига эга бўлмаган;
- «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига кўра 7 йилдан кам иш стажи мавжуд бўлиб, ёшга доир пенсия тайинлаш учун етарли иш стажига эга бўлмаган шахсларга тайинланади.

Ёшга доир нафақа:

- эркакларга – 65 ёшга етганларида;
- аёлларга – 60 ёшга етганларида;
- болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналарга – 55 ёшга етганларида тайинланади *(4-5-иловалар)*.

Ёшга доир нафақа тайинлашни сўраб белгиланган ёшга тўлгандан сўнг олтмиш кун ичида тайинланади. Қолган ҳолатларда нафақа мурожаат қилинган кундан бошлаб тайинланади.

Болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналарга ёшга доир нафақа фарзанди ногиронлиги бўлган деб эътироф этилганлиги тўғрисида давлат тиббиёт муассасасининг тиббий хулосаси ёки Тиббий – ижтимоий эксперт комиссиясининг ногиронлик тўғрисидаги маълумотномаси билан тасдиқланган тақдирда тайинланади.

Ногиронлик нафақаси ногиронлик содир бўлган ҳолларда, иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга эса ёшидан қатъи назар тайинланади ва тўланади *(6-илова)*.

Ногиронлик нафақасини тайинлашни сўраб ногиронлик гуруҳи белгиланганидан сўнг олтмиш кун ичида тайинланади. Қолган ҳолатларда нафақа мурожаат қилинган кундан бошлаб тайинланади.

Боқувчисини йўқотганлик нафақасини давлат пенсияси (боқувчисини йўқотганлик пенсияси) олиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахснинг қарамоғида бўлган оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари олиш ҳуқуқига эгадирлар *(7-илова)*.

Давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир нафақани тайинлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш

Босқичлар	Субъектлар	Механизм	Муддатлар
1-босқич	Мурожаат қилувчи (яқин қариндошлари, ишончли вакили, васий ёки ҳомий)	<ol style="list-style-type: none"> 1. Нафақа тайинлаш юзасидан давлат хизматлари марказига келиб мурожаат қилади. 2. ЯИДХПда рўйхатдан ўтади ва сўровнома шаклини тўлдиради. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Хоҳишига кўра 2. Мурожаат қилинганда
2-босқич	<ol style="list-style-type: none"> 1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХП 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Сўровномани тўлдириб, электрон шаклда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига юборади. 2. Сўровномани Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига юборади. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг 5 дақиқада 2. Автоматик тарзда
3-босқич	Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими	<ol style="list-style-type: none"> 1. Нафақа тайинлаш ёки рад этиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилади. 2. Нафақа тайинланган тақдирда, нафақани қачон ва қаердан олиш тўғрисидаги маълумотни тегишли Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХПга электрон тарзда юборади. 3. Нафақа тайинлаш рад этилган тақдирда, рад этиш сабаблари кўрсатилган маълумотни тегишли Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХПга электрон тарзда юборади. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Сўровнома тушганидан сўнг 5 дақиқада 2. Маълумотлар ўрганилгандан сўнг 5 дақиқада
4-босқич	Давлат хизматлари маркази	<p>Нафақа тайинланган тақдирда, нафақани қачон ва қаердан олиш тўғрисида мурожаат қилувчини хабардор қилади.</p> <p>Нафақа тайинлаш рад этилган тақдирда, рад этиш сабаблари тўғрисида мурожаат қилувчини хабардор қилади.</p>	Маълумот олинганидан сўнг 5 дақиқада

Болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналарга ёшга доир нафақани тайинлаш бўйича Давлат хизматлари кўрсатиш

Босқичлар	Субъектлар	Механизм	Муддатлар
1-босқич	Мурожаат қилувчи (яқин қариндошлари, ишончли вақили, васий ёки ҳомий)	<ol style="list-style-type: none"> Нафақа тайинлаш юзасидан давлат хизматлари марказига келиб мурожаат қилади. ЯИДХПда рўйхатдан ўтади ва сўровнома шаклини тўлдиради. 	<ol style="list-style-type: none"> Хоҳишига кўра Мурожаат қилинганда
2-босқич	<ol style="list-style-type: none"> Давлат хизматлари маркази ЯИДХП 	<ol style="list-style-type: none"> Сўровномани тўлдириб, электрон шаклда Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига юборади. Сўровномани Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига юборади. 	<ol style="list-style-type: none"> Сўровнома тўлдирилгандан сўнг 5 дақиқада Автоматик тарзда
3-босқич	Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими	<ol style="list-style-type: none"> Нафақа тайинлаш учун фуқаронинг фарзандларини ФХДё органларининг ҳамда фарзандининг болаликдан ногиронлигини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ахборот тизимлари орқали ўрганади. Ўрганиш натижасига асосан нафақа тайинлаш ёки рад этиш тўғрисидаги тегишли қарорни қабул қилади. <p>Нафақа тайинланган тақдирда, нафақани қачон ва қаердан олиш тўғрисидаги маълумотни тегишли Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХПга электрон тарзда юборади.</p> <p>Нафақа тайинлаш рад этилган тақдирда, рад этиш сабаблари кўрсатилган маълумотни тегишли Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХПга электрон тарзда юборади.</p>	<ol style="list-style-type: none"> Сўровнома тушганидан сўнг 5 дақиқада Маълумотлар ўрганилгандан сўнг 5 дақиқада
4-босқич	Давлат хизматлари маркази	<p>Нафақа тайинланган тақдирда, нафақани қачон ва қаердан олиш тўғрисида мурожаат қилувчини хабардор қилади.</p> <p>Нафақа тайинлаш рад этилган тақдирда, рад этиш сабаблари тўғрисида мурожаат қилувчини хабардор қилади.</p>	Маълумот олинганидан сўнг 5 дақиқада

(5-илова)

Ёшидан қатъи назар иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ногиронлик нафақасини тайинлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш

Босқичлар	Субъектлар	Механизм	Муддатлар
1-босқич	Мурожаат қилувчи (яқин қариндошлари, ишончли вақили, васий ёки ҳомий)	<ol style="list-style-type: none"> 1. Нафақа тайинлаш юзасидан давлат хизматлари марказига келиб мурожаат қилади. 2. ЯИДХПда рўйхатдан ўтади ва сўровнома шаклини тўлдиради. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Хоҳишига кўра 2. Мурожаат қилинганда
2-босқич	<ol style="list-style-type: none"> 1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХП 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Сўровномани тўлдириб, электрон шаклда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига юборади. 2. Сўровномани Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига юборади. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг 5 дақиқада 2. Автоматик тарзда
3-босқич	Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими	<ol style="list-style-type: none"> 1. Нафақа тайинлаш учун фуқаронинг ногиронлигини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ахборот тизимлари орқали ўрғанади. 2. Ўрганиш натижасига асосан нафақа тайинлаш ёки рад этиш тўғрисидаги тегишли қарорни қабул қилади. <p>Нафақа тайинланган тақдирда, нафақани қачон ва қаердан олиш тўғрисидаги маълумотни тегишли Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХПга электрон тарзда юборади.</p> <p>Нафақа тайинлаш рад этилган тақдирда, рад этиш сабаблари кўрсатилган маълумотни тегишли Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХПга электрон тарзда юборади.</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Сўровнома тушганидан сўнг 5 дақиқада 2. Маълумотлар ўрганилгандан сўнг 5 дақиқада
4-босқич	Давлат хизматлари маркази	<p>Нафақа тайинланган тақдирда, нафақани қачон ва қаердан олиш тўғрисида мурожаат қилувчини хабардор қилади.</p> <p>Нафақа тайинлаш рад этилган тақдирда, рад этиш сабаблари тўғрисида мурожаат қилувчини хабардор қилади.</p>	Маълумот олинганидан сўнг 5 дақиқада

Давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахснинг қарамоғида бўлган оиланинг меҳнатга лаёқатли бўлмаган аъзолари учун боқувчисини йўқотганлик нафақасини тайинлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш

69

Босқичлар	Субъектлар	Механизм	Муддатлар
1-босқич	Мурожаат қилувчи (яқин қариндошлари, ишончли вакили, васий ёки ҳомий)	<ol style="list-style-type: none"> 1. Нафақа тайинлаш юзасидан давлат хизматлари марказига келиб мурожаат қилади. 2. ЯИДХПда рўйхатдан ўтади ва сўровнома шаклини тўлдиради. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Хоҳишига кўра 2. Мурожаат қилинганда
2-босқич	<ol style="list-style-type: none"> 1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХП 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Сўровномани тўлдириб, электрон шаклда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига юборади. 2. Сўровномани Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига юборади. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг 5 дақиқада 2. Автоматик тарзда
3-босқич	Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими	<ol style="list-style-type: none"> 1. Нафақа тайинлаш учун фуқаронинг фарзандларини ФХДЁ органларининг ҳамда фарзандининг болаликдан ногиронлигини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ахборот тизимлари орқали ўрганади. 2. Ўрганиш натижасига асосан нафақа тайинлаш ёки рад этиш тўғрисидаги тегишли қарорни қабул қилади. <p>Нафақа тайинланган тақдирда, нафақани қачон ва қаердан олиш тўғрисидаги маълумотни тегишли Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХПга электрон тарзда юборади.</p> <p>Нафақа тайинлаш рад этилган тақдирда, рад этиш сабаблари кўрсатилган маълумотни тегишли Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХПга электрон тарзда юборади.</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Сўровнома тушганидан сўнг 5 дақиқада 2. Маълумотлар ўрганилгандан сўнг 5 дақиқада
4-босқич	Давлат хизматлари маркази	<p>Нафақа тайинланган тақдирда, нафақани қачон ва қаердан олиш тўғрисида мурожаат қилувчини хабардор қилади.</p> <p>Нафақа тайинлаш рад этилган тақдирда, рад этиш сабаблари тўғрисида мурожаат қилувчини хабардор қилади.</p>	Маълумот олинганидан сўнг 5 дақиқада

(2019-г.)

Боқувчисини йўқотганлик нафақасини олиш ҳуқуқига эга бўлган оила аъзоларининг барчасига белгиланган миқдорда битта умумий нафақа тайинланади. Оила аъзосининг талабига кўра унинг нафақадаги улуши ажратилади ва унга алоҳида тўланади. Бунда тайинланган нафақанинг умумий миқдори олувчиларнинг умумий сонига бўлинади.

Боқувчисини йўқотганлик нафақасини тайинлашни сўраб нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс вафот этган кундан бошлаб олти ой ичида мурожаат этилган бўлса, нафақа уни олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан эътиборан тайинланади. Қолган ҳолатларда нафақа мурожаат қилинган кундан бошлаб тайинланади.

Мазкур нафақаларни олувчиларга тегишли бўлган ва унинг вафоти муносабати билан тўлиқ олинмай қолган нафақа суммаси меросга киритилмайди ва унинг ота-онасига, эрига (хотинига), шунингдек нафақа олувчи вафот этган кунда у билан бирга яшаётган оила аъзоларига вафот этган ой учун тўлиқ миқдорда тўланади. Бир неча шахс мурожаат қилишганда уларга тегишли нафақа суммаси улар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади. Ушбу сумма шахс вафотидан кейин 6 ойдан кечикмай мурожаат қилинган тақдирда тўланади.

Ҳукуматнинг қарори билан тасдиқланган Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жойлар беришни назарда тутиб, давлатнинг ижтимоий соҳадаги олиб бораётган ғамхўрлигининг намунасидир.

Мазкур Низомга кўра, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жойлар вилоят ҳокимликлари томонидан бозордаги кўп квартирали уйлардан ажратилади.

Бунда ўқув-тарбия муассасалари ва туман (шаҳар) ҳокимликлари болаларни муассасада бўлиш муддати тугашидан бир йил аввал уй-жойга муҳтож сифатида «онлайн-навбат»га киритиб боради.

Болаларга 18 ёшга тўлган йилда:

- кўп квартирали уй-жойлардан умумий майдони 25 квадрат метрдан кам бўлмаган 1 хонали;

- вояга етган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ўртасида никоҳ тузилган ҳолларда, 50 квадрат метрдан кам бўлмаган 2 хонали квартиралар ажратилади.

Уй-жойлар мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи асосида, бироқ 30 ёшга тўлгунгача уни сотиш ҳуқуқисиз берилади. Уй-жойлар туман ҳокимлиги томонидан ажратилиб, яшаш учун барча зарур шароитларга эга ҳолда топширилади.

Уй-жой билан таъминланиш ҳолати ҳақидаги маълумотлар ҳар ойда янгиланади ва Халқ таълими вазирлиги расмий веб-сайтида жойлаштириб борилади.

Уй-жой бериш тўғрисидаги қарор асосида туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан ордер берилади, ўз навбатида ушбу ордер берилган уй-жойга кўчиб кириш учун асос ҳисобланади.

Ордерлар «онлайн-навбат» ахборот тизимидаги қатъий кетма-кетлик асосида берилади. Уй-жой ордер берилган кундан 10 кундан кечиктирилмаган ҳолда нотариал расмийлаштирилади.

Ҳукуматнинг навбатдаги қарори билан тасдиқланган «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан 2021 йил 1 сентябрга қадар тайинланган 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунгача қадар уни парвариш қилиш нафақаси ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамни автоматик тарзда, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишнинг янги тартибига асосан нафақа миқдори ошиши назарда тутилган фуқаролардан қўшимча ариза ва ҳужжатлар талаб этмаган ҳолда, кам таъминланган оилалар болалар нафақасига ўтказилиши белгиланди.



Бунда, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунгача қадар уни парвариш қилиш нафақаси ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам миқдорлари оиладаги 18 ёшгача бўлган болалар сонини инобатга олган ва амалдаги тўлов муддатларидан келиб чиққан ҳолда қайта ҳисобланади.


Ишловчи оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар бундан мустасно) бола икки ёшга етгунча уни парваришlash учун бериладиган ҳар ойлик нафақани олиш муддати тугаганидан сўнг қарор асосида болалар нафақасини олиши мумкин.

Оилани кам таъминланган деб эътироф этиш ҳамда уларга болалар нафақаси ва моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарорлар «Ягона реестр» АТда шакллантирилади ва қабул қилинади.


«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими – идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликни қўллаган ҳолда кам таъминланган оилаларни аниқлаш, уларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш ҳамда давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамни олиш учун мурожаат қилувчилар ва олувчилар тўғрисида ягона маълумотлар базасини шакллантириш амалга ошириладиган автоматлаштирилган ахборот тизими.


Ишловчи оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар бундан мустасно) бола 2 ёшга етгунча уни парваришlash учун бериладиган ҳар ойлик нафақани олиш мuddати тугаганидан сўнг болалар нафақасини олиши мумкин

-  Болалар нафақаси оиладаги **болалар сонидан келиб чиқиб** тайинланади
-  Болалар нафақаси **12 ой мuddатга** тайинланади, бироқ оиланинг энг кичик ёхуд ягона боласи тегишлича **18 ёшга тўлган ойнинг охиригача** тўланади
-  Моддий ёрдам бола(болалар)сиз ёки барча болалари **18 ёшдан катта** оилаларга ва яққа-ёлғиз фуқароларга **бой мuddатга** тайинланади




Оила:


-  2021 йил 1 сентябрдан – оиланинг ҳар бир аъзосига жами бир ойлик **ўртача даромад 440 минг сўмдан ошмаганда**
-  2022 йилдан бошлаб – оиланинг ҳар бир аъзосига жами **бир ойлик ўртача даромад минимал истеъмол харажатлари миқдоридан ошмаганда** кам таъминланган деб эътироф этилади




Болалар нафақаси ва моддий ёрдам



Тегишли аризаларга асосан «Ягона реестр» АТ орқали **кам таъминланган оила деб эътироф этилгандан сўнг** тайинланади



Ариза берувчи **муурожаат қилган ойдан кейинги ойдан** бошлаб тўланади



Ҳар бир оила томонидан ариза топшириш ва «Ягона реестр» АТга киритиш **бир ойда бир марта** амалга оширилади

Кам таъминланган деб эътироф этилган оилага болалар нафақаси ёхуд моддий ёрдам яшаш жойи бўйича оиланинг муомалага лаёқатли аъзосининг ёзма аризасига асосан тайинланади.

Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш учун ариза зарур ҳужжатлар билан бирга бевосита ариза берувчининг доимий ёки вақтинча яшаш манзилидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этилади ва рўйхатга олинади.

Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам АТ «Халқ банки»нинг туман (шаҳар) бўлимлари (филиаллари) орқали нақд пул шаклида ёки пул маблағларини нақд пулсиз ўтказиш йўли билан фуқароларнинг банк ҳисобварақлари (пластик карталари) орқали тўланади ҳамда тўлов ойнанинг 4-санасидан 27-санасига қадар амалга оширилади.

ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламлари, қариялар, меҳнат лаёқатини йўқотганлар, боқувчисидан маҳрум бўлганларга Конституциямиз ва қонунчилигимиз билан белгиланган имтиёз, ҳуқуқ ва кафолатларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Хусусан, МЖТКнинг бир қатор моддаларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини қонунчиликда белгиланган миқдорларда тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаганлик учун 49³-моддасида жавобгарлик белгиланган бўлиб, ушбу нафақаларни тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаганлик, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Унинг 51¹-моддасида ногиронлар ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириши учун, шунингдек темир йўл, ҳаво, сув, шаҳарлараро автомобиль транспортдан, шаҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиغان йўловчилар транспортининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш бўйича талабларни бажармаслик, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Унинг 179²-моддасида иш берувчи юридик шахсларнинг мансабдор шахслари томонидан Халқ банки филиалига фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун зарур маълумотларни, фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар билан боғлиқ ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни қасддан тақдим этмаслик ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганлик, худди шунингдек ҳисоблаб чиқарилган ва киритилган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни ходимларга тақдим этмаслик, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини киритишдан бош тортиш, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ушбу ҳисобварақларнинг ҳолати тўғрисида фуқароларни хабардор қилиш, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тайинлаш ва бериш тартибини бузиш, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Унинг 241⁷-моддасида хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган ўзга тўловларни тўлаш учун пул маблағлари беришни банкнинг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан асоссиз равишда кечиктириш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

V. МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТДАН ФОЙДАЛАНИШ КАФОЛАТЛАРИ



ТИББИЁТ СОҶАСИДАГИ ХАЛҚАРО МЕЗОНЛАР

Конституциянинг 40-моддаси билан белгиланган нормага мувофиқ, юртимиз ҳудудидаги барча фуқаролар, яъни чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам малакали тиббий хизматга бўлган дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар. Шу жумладан, ёши, жинси, ирқи, миллати, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, уларнинг соғлиғи сақланиши давлат томонидан кафолатланади. Малакали тиббий хизматга бўлган конституциявий ҳуқуқ – бу инсоннинг дахлсиз, табиий ҳуқуқидир. Шу сабабли ҳам ҳеч ким ўзбошимчалик билан ушбу ҳуқуқни чеклашга, уни амалга оширишга тўсқинлик қилишга ҳақли эмас, ушбу талабни амалда таъминлаш қонунчиликда белгилаб қўйилган.

Конституциянинг 40-моддаси билан белгиланган ҳуқуқ нормаси халқаро стандартларга тўлиқ мос келади. Халқаро тажрибага назар ташлайдиган бўлсак, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон

декларациясида ҳар бир инсон ўзининг ва оиласининг саломатлигини таъминлаш ҳуқуқига эга, эканлиги мустақамлаб қўйилган.

Бундан ташқари, 1966 йил 16 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 12-моддасига мувофиқ, ҳар бир кишининг жисмоний ва руҳий саломатлик жиҳатдан олий даражага етиши ҳуқуқи эътироф этилган. Мазкур модда билан ўз навбатида пактда иштирок этувчи давлатлар бажариши керак бўлган чора-тадбирлар ҳам баён этилган бўлиб уларга қуйидагилар киреди:

а) ўлик гўдаклар туғилишини ва болалар ўлимини қисқартириш ҳамда болаларнинг соғлом ривожланишини таъминлаш;

б) ташқи муҳитнинг ҳамма жиҳатларини ва саноатда меҳнат гигиенасини яхшилаш;

в) юқумли, эндемик, касбий ва бошқа касалликлар олдини олиш, даволаш ҳамда уларга қарши курашиш;

г) касал бўлган ҳолларда ҳаммага тиббий ёрдам кўрсатиш ва тиббий парваришни таъминлайдиган шароит яратиш.

Малакали тиббий хизматдан фойдаланишга доир конституциявий ҳуқуқнинг ҳозирги кундаги ҳолатига баҳо берадиган бўлсак, мамлакатимизда бу борада барча шарт-шароитлар ва имкониятлар халқаро стандартлар ва мезонларга мувофиқ тарзда амалга оширилаётганини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунга кўра, фуқаролар соғлиғини сақлашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши;
- аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўла олиши;
- профилактика чора-тадбирларининг устунлиги;
- соғлиғини йўқотган тақдирда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши;
- тиббиёт фанининг амалиёт билан бирлиги.

Қонун билан мустаҳкамланган ушбу принциплар ўз ўрнида халқаро стандартлар ва мезонларга мувофиқ тарзда тузилганлиги ва амалиётда ҳам кенг қўлланилаётганлиги, албатта, юртимизда соғлиқни сақлаш секторига бўлган алоҳида эътибордан дарак беради.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ ЁРДАМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ

Ҳар бир шахс касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришlash юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлаш каби тиббий-ижтимоий ёрдамларни олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади. Ногиронлар, шу жумладан ногирон болалар ва болаликдан ногиронлар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, куч-қувватни тиклашнинг барча турларидан фойдаланиш, дори воситалари, протез-ортопедия мосламалари, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли асосларда таъминланиш, шунингдек касб-кор эгаллаш ва қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқига эга.

Ногиронлар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул тиббий-санитария ёрдами олиш, уйда парвариш қилиниш, ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз ногиронлар, сурункали руҳий ҳолати бузилган ногиронлар эса ногиронлар ва қариялар учун мўлжалланган интернат уйларида яшаш ҳуқуқига эга.

Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ёрдамнинг қандай турлари кўрсатилади?

«Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонунга кўра, ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ёрдамнинг қуйидаги турлари кўрсатилади:

- пул тўловлари (пенсиялар, нафақалар, бир йўла берилган тўловлар);

- ўриндиқли аравачалар, ногирон болалар ва болалиқдан ногиронлар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш;
- куч-қувватни тиклашнинг барча турларидан фойдаланиш;
- махсус ҳарфли матбаа нашрлари, овоз кучайтирувчи аппаратлар ва сигнализаторлар;
- тиббий, касбий, ижтимоий реабилитация қилишнинг техник воситалари ва уй хизматлари;
- транспорт хизматлари;
- дори воситалари билан таъминлаш;
- дори воситалари, протез-ортопедия мосламалари, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли асосларда таъминланиш, шунингдек касб-кор эгаллаш ва қайта тайёргарликдан ўтиш каби.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга кўра, мазкур ҳуқуққа эга бўлган имтиёзли шахсларга қуйидагилар киради:


- пенсия ёшидаги муҳтож шахслар;
- 16 ёшгача бўлган ногиронлиги бўлган болалар;
- 16 ёшдаги ва ундан катта ёшдаги ногиронлиги бўлган шахслар.

Шуни таъкидлаш лозимки, ногиронлиги бўлган муҳтож шахслар ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастурига мувофиқ реабилитация техник воситаларини ўз маблағлари ҳисобига сотиб олган тақдирда, уларга қонунчиликда белгиланган тартибда компенсация тўланади. Ташкилотда меҳнат фаолиятини бажариш вақтида юзага келган жароҳатланиши оқибатида шахсга юқоридаги низом асосида белгиланган тартибда бериладиган протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар учун харажатлар ташкилот томонидан қопланади.

2019 – 2025 ЙИЛЛАРДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

«Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармони асосида 2019 – 2025 йилларда Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ҳамда тегишли дастур тасдиқланди.

Концепциянинг асосий мақсадлари:



Концепция вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

1. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг халқаро стандартлари ва тавсияларини имплементация қилган ҳолда тармоқни комплекс ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш.

2. Фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасида идоралараро самарали ҳамкорлик ва алоқалар механизмларини ривожлантириш, шу жумладан соғлом ва хавфсиз атроф-муҳитни ривожлантириш, сув таъминоти ва санитарияни, соғлом овқатланиш, шу жумладан чақалоқлар ва болаларнинг соғлом овқатланишини яхшилаш, шунингдек, соғлом турмуш тарзини шакллантириш.

3. Жамият соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш, шу жумладан санитария-эпидемиология хизматини ривожлантириш, юқумли ва юқумли бўлмаган сурункали касалликларни назорат

Қилиш тизимини такомиллаштириш, Халқаро тиббий-санитария

қондаларини жорий этиш ва бажариш.

4. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи ва иккиламчи даража-
даги, тез тиббий ёрдам тиббий муассасаларининг самарали
интерациясини таъминлаш учун соғлиқни сақлашнинг ту-
ман бўғининини ислох қилиш, она ва бола соғлигини сақлашнинг

мустақамлаш.

5. Соғлиқни сақлашнинг молиялаштириш ва ташкил этиш тизим-
ини такомиллаштириш, берил тиббий ёрдамнинг давлат томонидан
кафолатланган ҳажминини қонунийлик йўли билан мустақамлаб
қўйиш.

6. Хусусий соғлиқни сақлаш тизими, давлат-хусусий шериклик
ва тиббий туризминини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш соҳасига
инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шарт-шароит яра-
тиш ва рақобат муҳитини яхшилаш.

7. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш, янги дори
воситалари ва тиббий буюмларни ҳамада тиббий техникаларни
руйхатга олиш тартиб-таомилларини халқаро стандартлар билан
уйғунлаштириш.

8. Тиббий кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар ма-
лакасини оширишнинг, тиббий лим-фаннинг ривожлантиришнинг
самарали тизимини замонавий таълим дастурлари, усуллари ва
технологияларини жорий этиш асосида шакллантириш.

9. «Электрон соғлиқни сақлаш» тизимларини кенг жорий
этиш, яна миллий стандартлар асосида интерациялашган ах-
борот тизимлари ва маълумотлар базалари мажмуини яратиш

каблар.

Шу билан бирга, тиббий кадрларини тайёрлаш, қайта тай-
ёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, тиббий
лим-фаннинг ривожлантиришнинг самарали тизимини шакл-
лантириш кўзда тутилган. Хорижий университетлар ресурслар-
идани фойдаланган шисобига таълим имкониятларини кенгай-
тириш, шу жумладан уларнинг филиаллари ва факультетларини

очиниш кўзда тутилган. Масалан, Тошкентда Акфа халқаро уни-
верситети ташкил қилинди. Н.И.Пирогов номидаги Россия мил-
лий тақикот тиббий университетининг Тошкент шаҳридаги
филиали фаолияти 2022/2023 ўқув йилидан бошлаш иназада

тутилган.

ФУҚАРОЛАРНИНГ СОҒЛИҒИГА ШИКАСТ ЕТКАЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Фуқароларнинг соғлиғига зарар етказилган ҳолларда айбдорлар жабрланганлар кўрган зарар ўрнини қонунчиликда белгиланган ҳажм ва тартибда қоплашлари шарт.

Ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан жабр кўрган фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатишга сарфланган маблағлар уларнинг соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар бўлган жисмоний ва юридик шахслардан ундирилади.

Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари ўз касб-кор вазифаларини малакали бажармаганликлари оқибатида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етган ҳолларда етказилган зарар ўрни қонунчиликда белгиланган тартибда қопланади. Зарарнинг ўрнини қоплаш тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қонунга мувофиқ интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликдан озод этмайди.

Фуқаролик кодексининг 1006-моддасига мувофиқ фуқаро майиб қилинганда ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганда жабрланувчи оладиган ёки муайян равишда олиши мумкин бўлган йўқотилган иш ҳақи (даромадлари), шунингдек саломатлигига шикаст етказилиши туфайли қилган қўшимча харажатлари, шу жумладан, даволаниш, қўшимча овқатланиш, дори-дармонлар сотиб олиш, протез қўйдириш, бировнинг парваришида бўлиш, санаторий-курортда даволаниш, махсус транспорт воситаларини сотиб олиш, бошқа касбга тайёргарликдан ўтиш харажатлари, агар жабрланувчининг ана шу ёрдам ва парвариш турларига муҳтожлиги ҳамда уларни бепул олиш ҳуқуқига эга эмаслиги аниқланса, ўрни қопланиши лозим.

Йўқотилган иш ҳақини (даромадларни) аниқлашда жабрланувчига майиб бўлиши ёки соғлиғига бошқача шикаст етиши сабабли тайинланган ногиронлик пенсияси, худди шунингдек соғлиғига зарар етказилмасидан олдинги ва ундан кейинги бошқа турдаги пенсиялар, нафақалар ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар эътиборга олинмайди ва зарарни қоплаш миқдорини камайтиришга сабаб бўлмайди. Зарарни қоплаш ҳисобига, шунингдек жабрланувчи соғлиғига шикаст етказилганидан кейин оладиган иш ҳақи (даромади) ҳам киритилмайди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, ўн тўрт ёшга тўлмаган ва иш ҳақи (даромад) олмайдиган вояга етмаган шахс майиб бўлиб қолган ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилган тақдирда зарар етказилганлиги учун жавобгар шахс соғлиққа шикаст етказилиши туфайли қилинган харажатларнинг ўрнини қоплаши шарт.

Жабрланувчи ўн тўрт ёшга тўлганда, шунингдек ўн тўртдан ўн саккиз ёшгача бўлган иш ҳақи (даромад) олмайдиган вояга етмаган шахсга зарар етказилган тақдирда, етказилган зарар учун жавобгар шахс жабрланувчига соғлиққа шикаст етказилиши туфайли қилинган харажатлардан ташқари, шунингдек унинг меҳнат қобилияти йўқотилганлиги ёки камайганлиги билан боғлиқ зарарни қонунчиликда белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг беш карраси миқдоридан келиб чиқиб, қоплаши шарт.

Агар вояга етмаган шахс соғлиғига шикаст етказилгунига қадар иш ҳақи (даромад)га эга бўлган бўлса, унда зарар ушбу иш ҳақи (даромад) миқдоридан келиб чиқиб, аммо қонунчиликда белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг беш каррасидан кам бўлмаган миқдорда тўланади. Бундан ташқари, Фуқаро томонидан етказилган зарарни қоплаш мажбурияти унинг вафотидан кейин меросни қабул қилиб олган меросхўрларига ўтади. Меросхўрлар жабрланувчининг олдида ўзларига мерос бўлиб ўтган мол-мулкнинг ҳақиқий қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

МЖТКга асосан, ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli ҳолатда бўлган шахсга тиббиёт ташкилотларида қонунга ёки махсус қоидаларга мувофиқ шошилиш ва (ёки) кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиши керак бўлган шахс томонидан шундай ёрдам кўрсатишни асоссиз равишда рад этиш, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

VI. ТАЪЛИМ ОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚ ВА КАФОЛАТЛАР



БИЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

Маълумки, инсон камолотида билим эгаллаш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Сабаби, келажакимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, мамлакатнинг эртанги куни қандай бўлиши бериладиган таълим ва тарбияга боғлиқ.

Мамлакатимиз Конституциясининг 41-моддасига кўра, ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Унда бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир деб белгиланган. Яъни, бепул умумий таълим олиш Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси учун давлат томонидан кафолатланган бўлиб, бунинг учун ҳеч қандай расмий тўловлар талаб этилмайди.

Таълим – таълим олувчиларга чуқур назарий билим, малакалар ва амалий кўникмалар беришга, шунингдек уларнинг умумтаълим ва касбий билим, малака ҳамда кўникмаларини шаклланд

тиришга, қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тизимли жараён.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 26-моддасига кўра, ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга. Таълим олишда ҳеч бўлмаганда бошланғич ва умумий таълим текин бўлиши лозим. Бошланғич таълим мажбурий бўлиши керак. Техник ва ҳунар таълими ҳамманинг қурби етадиган даражада бўлиши, олий таълим эса ҳар кимнинг қобилиятига асосан ҳамма учун етарли имконият доирасида бўлиши керак. Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга ва инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришга қаратилиши лозим. Таълим барча халқлар, ирқий ва диний гуруҳлар ўртасида бир-бирини тушуниш, хайрихоҳлик ва дўстликка хизмат қилиши ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги фаолиятига ёрдам бериши кераклиги белгиланган.

Таълим олиш ҳуқуқи бўйича халқаро стандартларнинг асослари «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 13-моддасида:

- таълим олиш ҳуқуқи, барча учун мажбурий ва бепул бошланғич таълимни тўлиқ амалга ошириш;
- ўрта, ўрта-махсус ва олий таълимга бўлган имконият;
- ота-оналарнинг ўз болалари учун мактаб танлаши эркинлиги ва болаларини ўз эътиқодларига мос равишда диний ҳамда ахлоқий тарбиялашини таъминлаб беришининг шартлари кўрсатиб ўтилган.

«Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар кимга таълим олиш учун тенг ҳуқуқлар кафолатланади. Давлатимизда доимий яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар таълим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.

Чет эллик фуқаролар халқаро шартномаларга ва миллий қонунчилигимизга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида таълим олишга ҳақлидир.

«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда таъкидланишича, ҳар бир бола билим олиш ҳуқуқига эга. Давлат болаларнинг бепул мажбурий умумий ўрта таълим ва ўрта махсус таълим олишини кафолатлайди.

ТАЪЛИМ ТУРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

«Таълим тўғрисида»ги Қонунга кўра, Ўзбекистонда таълим турлари қуйидагилардан иборат:

- мактабгача таълим ва тарбия;
- умумий ўрта ва ўрта махсус таълим;
- профессионал таълим;
- олий таълим;
- олий таълимдан кейинги таълим;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- мактабдан ташқари таълим.

Мактабгача таълим ва тарбия болаларни ўқитиш ва тарбиялашга, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий, этик, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга, шунингдек болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга қаратилган таълим туридир. Мактабгача таълим ва тарбия олти ёшдан етти ёшгача бўлган болаларни бошланғич таълимга бир йиллик мажбурий тайёрлашни ҳам назарда тутди.

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим умумтаълим ўқув дастурларини, зарур билим, малака ҳамда кўникмаларни ўзлаштиришга қаратилган бўлиб, умумий ўрта таълим (I–XI синфлар) босқичларни ўз ичига олади. Умумий ўрта таълимнинг қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- бошланғич таълим (I – IV синфлар);
- таянч ўрта таълим (V – IX синфлар);
- ўрта таълим (X – XI синфлар).

Умумий ўрта таълим ташкилотининг биринчи синфига болалар улар етти ёшга тўладиган йилда қабул қилинади.

Бошланғич таълим таълим олувчиларда умумий ўрта таълимни давом эттириш учун зарур бўлган саводхонлик, билим, малака ва кўникмалар асосларини шакллантиришга қаратилган.

Таянч ўрта таълим ўқув дастурига мувофиқ таълим олувчиларга билим, малака ва кўникмаларнинг зарурий ҳажмини беради, уларда мустақил фикрлаш ва таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантиради.

Таянч ўрта таълим доирасида (VII синфдан сўнг) таълим олувчиларда касблар бўйича бирламчи билим ва кўникмаларни шакллантириш учун уларни профессионал ташхислаш ва касб-ҳунарга йўналтириш бўйича чоралар амалга оширилади.

Ўрта таълим ўқув дастурига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмалар ўзлаштирилишини, шунингдек таълимнинг кейинги тури танланишини ҳамда юқори малака талаб қилинмайдиган касблар эгалланишини таъминлайди.

Умумий ўрта таълим умумий ўрта таълим ташкилотларида узлуксиз тарзда, мажбурий бўлган ўн бир йил давомида амалга оширилади.

Ўрта махсус таълим академик лицейларда тўққиз йиллик таянч ўрта таълим асосида икки йил мобайнида амалга оширилади ва таълим олувчиларнинг интеллектуал қобилиятларининг жадал ривожланишини, шунингдек чуқур, табақалаштирилган, касб-ҳунарга ва шахсга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Нодавлат таълим ташкилотларида умумий ўрта ва ўрта махсус таълим тўлов-шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларида инклюзив шаклда ёки уй шароитларида яқка тартибда таълим олади.

Профессионал таълим эгалланадиган касб ва мутахассислик бўйича қуйидаги даражаларни ўз ичига олади:

- бошланғич профессионал таълим;
- ўрта профессионал таълим;
- ўрта махсус профессионал таълим.

Бошланғич профессионал таълим касб-ҳунар мактабларида IX синф битирувчилари негизида бепул асосда кундузги таълим шакли бўйича умумтаълим фанларининг ва мутахассислик фанларининг икки йиллик интеграциялашган дастурлари асосида амалга оширилади.

Ўрта профессионал таълим коллежларда давлат буюртмаси ёки тўлов-шартнома асосида касблар ҳамда мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, давомийлиги икки йилгача бўлган кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари

бўйича умумий ўрта, ўрта махсус таълим ҳамда бошланғич профессионал таълим негизида амалга оширилади.

Ўрта махсус профессионал таълим техникумларда умумий ўрта, ўрта махсус, бошланғич профессионал ва ўрта профессионал таълим негизида давлат буюртмаси ёки тўлов-шартнома асосида касблар ҳамда мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, давомийлиги камида икки йил бўлган кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича амалга оширилади.

Касб-ҳунар мактаблари, коллежлар ва техникумлар таълим олувчиларнинг ўзи танлаган касбга ва мутахассисликка эга бўлишини таъминлайди.

Олий таълим бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланишини таъминлайди.

Бакалавриат олий таълим йўналишларидан бири бўйича чуқурлаштирилган билим, малака ва кўникмалар берадиган, ўқиш давомийлиги камида уч йил бўлган таянч олий таълимдир.

Магистратура тегишли бакалавриат негизидаги аниқ мутахассислик бўйича ўқиш давомийлиги камида бир йил бўлган олий таълимдир.

Олий таълимдан кейинги таълимни олий таълим ва илмий ташкилотларда олиш мумкин. Олий таълимдан кейинги таълим докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганишни ва илмий изланишлар олиб боришни назарда тутадиган таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчанлик асосида илмий даражага эга илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни таъминлайди.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим турида кадрларни қайта тайёрлаш таянч мутахассисликлар ва касбларга мувофиқ бўлган йўналишлар бўйича фаолиятни амалга ошириш учун қўшимча касбий билим, малака ва кўникмаларнинг зарур ҳажми эгалланишини таъминлайди.

Мактабдан ташқари таълим болаларнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш, бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек тижорат ташкилотлари маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт йўналишидаги мактабдан ташқари таълим ташкилотларини ташкил этиши мумкин.

Мактабдан ташқари таълим болаларга узлуксиз таълим беришнинг таркибий қисми сифатида уларнинг истеъдоди ва қобилиятини ривожлантиришга, маънавий эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган.

Мактабдан ташқари таълим ташкилотлари жумласига болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, «Баркамол авлод» болалар мактаблари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, студиялар, ахборот-кутубхона ҳамда соғломлаштириш муассасалари киради.

Шуни алоҳида қайд этишимиз лозимки, хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш бепул амалга оширилади. Шунингдек, хорижий давлатларда умумий ўрта, ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва малака ошириш таълими олган талабгорларнинг хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлари тўғридан-тўғри, яъни синовларсиз амалга оширилади.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат – хорижий давлатларнинг миллий қонунчилиги асосида берилган таълим олганликни тасдиқловчи расмий ҳужжат.

Хорижий давлатларда ўрта махсус, касб-ҳунар (профессионал), олий, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларида таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳамда хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тўғрисидаги аризалар 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали қабул қилинади. 2022 йил 1 январдан кейин олинган хорижда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар тан олиш учун топширилганда, ҳужжатни берган давлатнинг ваколатли органи томонидан апостиль қўйилган бўлиши талаб этилади.

Умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш – Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАР, УЛАР ОТА-ОНАСИНИНГ ВА БОШҚА ҚОНУНИЙ ВАКИЛЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Таълим олувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- бепул асосда умумий ўрта, ўрта махсус таълим ва бошланғич профессионал таълим олиш;
- яшаш жойидаги (микроҳудуддаги) давлат умумий ўрта таълим муассасасига қабул қилиниш;
- таълим олиш шаклларини эркин танлаш;
- давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларига мувофиқ сифатли таълим олиш;
- таълим олиш учун ўзининг руҳий хусусиятлари ва физиологик ривожланиши инobatга олинган ҳолда зарур шарт-шароитларга эга бўлиш, шунингдек бепул психологик-тиббий хизматлардан фойдаланиш;
- давлат таълим муассасаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ, профессионал таълим ва олий таълимнинг давлат таълим стандартлари талабларига биноан ишлаб чиқилган, ўзи оладиган таълимнинг мазмунини шакллантиришда иштирок этиш;
- педагог ходимлар ва таълим-тарбия жараёнининг бошқа иштирокчилари томонидан ҳаёти ва соғлиғига қилинадиган ҳар қандай жисмоний ҳамда руҳий зўравонликдан, шахси ҳақоратланишидан ҳимояланиш;
- таълим олиш даврида дам олиш ва бошқа ижтимоий эҳтиёжлар учун таътиллар олиш;
- академик таътиллар ва стипендиялар олиш, ўқишни тиклаш ва ўқишини бошқа таълим ташкилотларига, бир таълим шаклидан, касбдан, таълим йўналишидан, мутахассислигидан бошқасига кўчириш;
- таълим ташкилотини бошқаришга доир масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;
- таълим олиш жараёнида таълим ташкилотининг ўқув, услубий, илмий-ишлаб чиқариш, маданий, спорт ва маиший объектлари хизматларидан бепул фойдаланиш;
- таълим ташкилотининг илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, илмий-техникавий, экспериментал ва инновацион фаолиятида иштирок этиш каби.

Таълим ташкилотларида таълим олувчиларни таълим олиш билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш тақиқланади.

Мамлакатимизда доимий яшовчи фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки яқка тартибда хорижда таълим олиш ҳуқуқига эга.

Таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш барча талабгорлар учун таълим олишга доир тенг имкониятларнинг таъминланиши принципи асосида амалга оширилади, шахсларнинг айрим тоифалари бундан мустасно, уларга қонунчиликка мувофиқ имтиёзлар берилиши мумкин. (Ижтимоий ҳимояга муҳтож, жисмоний, ақлий ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар ва б.қ.).

Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар ўқишга ўз ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакиллари-нинг розилигига ва тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг хулосасига биноан қабул қилинади.

Қонунчиликда вояга етмаган таълим олувчиларнинг ота-онаси ва бошқа қонуний вакиллари-нинг қуйидаги ҳуқуқлари кўрсатиб ўтилган:

- жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болаларга, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болаларга оилада таълим олиш имкониятини бериш;
- оилада таълим олаётган боланинг фикрини инobatга олган ҳолда унинг ўқишини таълимнинг ҳар қандай босқичида таълим ташкилотида давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, моддий-техника базасини ривожлантириш, таълим ташкилотларига хайрия ёрдами кўрсатиш бўйича таклифлар киритиш;
- таълим ташкилотининг устави ва (ёки) бошқа таъсис ҳужжати, лицензияси, давлат аккредитацияси тўғрисидаги сертификати, давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари, малака талаблари, ўқув режалари ва ўқув дастурлари билан танишиш;
- таълимнинг мазмуни, қўлланилаётган таълим ва тарбия усуллари, таълим технологиялари билан, шунингдек ўз болаларининг ўқув фанларини ўзлаштириши натижалари билан танишиш;

- таълим олувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- таълим ташкилотини бошқаришга доир масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ

Таълим ташкилотларида таълим олувчиларни вақтинча яшаш жойлари билан таъминлаш ҳам назарда тутилган.

Қундузги таълим шаклидаги таълим ташкилотида таълим олувчиларга, шунингдек сиртқи таълим шаклида яқуний ва оралиқ аттестация даврида вақтинча яшаш жойлари мавжуд бўлган тақдирда берилади.

Вақтинча яшаш жойлари таълим олувчиларга таълим ташкилоти томонидан белгиланган тартибга мувофиқ берилади.

Вақтинча яшаш жойларига муҳтожлар мавжуд бўлган ҳолларда, ушбу жойлардан бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Вақтинча яшаш жойларидан фойдаланиш учун таълим ташкилоти билан тузилган шартномага мувофиқ ҳақ тўланади ҳамда тўлов миқдори таълим ташкилоти томонидан белгиланади.

Давлат таълим муассасалари айрим турдаги таълим олувчилар учун вақтинча яшаш жойидан фойдаланганлик учун тўлов қийматини камайтиришга ёки уларни тўловдан тўлиқ озод қилишга ҳақли. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, шунингдек ўқитиш даврида етим бўлиб қолган болалар, жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар (шахслар) вақтинча яшаш жойидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан озод қилинади.

Таълим ташкилотларида таълим олувчилар қонунчиликка мувофиқ имтиёзлар, стипендиялар ва вақтинча яшаш жойлари билан таъминланади. Шунингдек, тўлов-шартнома асосида таълим олувчиларга имтиёзли банк кредитлари берилиши мумкин.

Давлат ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида кам таъминланган оилалардаги болалар, жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар (шахслар) учун, шу-

нингдек мазкур тоифадаги таълим олувчиларнинг касбий ўсиши учун шарт-шароитлар яратади.

Бундан ташқари, етим болаларни ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ўқитиш ва уларнинг тўлиқ таъминоти Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Давлатимиз жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болаларнинг давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида инклюзив шаклда бепул умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим олишини таъминлайди.

Давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим олувчилар давлат таъминотида бўлади.

Бундан ташқари, алоҳида шароитларда ўқитиш ва тарбияланишга муҳтож бўлган болалар (шахслар) учун уларнинг таълим олишини, касбий тайёргарлигини ва ижтимоий реабилитация қилинишини таъминлайдиган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ташкил этилади.

Ҳаттоки, озодликдан маҳрум қилиш тарзида жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган болаларнинг (шахсларнинг) таълим олиши, тарбияланиши ва мустақил таълим олиши учун шароитлар яратилади.

ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Мамлакатимизда таълим-тарбия олиш учун барча шароитлар яратилиши баробарида, ҳар кимнинг илм олиш ҳуқуқи кафолатланган. Ҳеч ким таълим олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Таълим олиш ҳуқуқини ҳар қандай чеклаш эса қонун ҳужжатлари билан тақиқланган ҳамда жавобгарликни келтириб чиқаради.

МЖТКнинг 42-моддасида фуқароларнинг тарбия ва таълим беришда тилни эркин танлашдан иборат ҳуқуқларини бузиш, тилдан фойдаланишда тўсқинлик қилиш ва чеклаш, давлат тилини,

шунингдек Ўзбекистон Республикасида яшовчи бошқа миллатлар ва элатларнинг тилларини менсимаслик, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Унинг 47-моддасида эса, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсқинлик қилиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткага муддатга маъмурий қamoққа олишга сабаб бўлади.

Шунингдек, 47²-моддасида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага тарбияга (патронат), фарзандликка беришда, уларга васийлик (ҳомийлик) белгилашда ёхуд уларни етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган тегишли давлат муассасасига жойлаштиришда қонунчилик талабларини бузиш, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

VII. ИЛМИЙ ВА ТЕХНИКАВИЙ ИЖОД ЭРКИНЛИГИ, МАДАНИЯТ ЮТУҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ



ИЛМИЙ ВА ТЕХНИКАВИЙ ИЖОДҚОРЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ХАЛҚАРО НОРМАЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛ ҚИЛИШИ

Конституциянинг 42-моддасига мувофиқ, Ўзбекистонда ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Бунинг учун давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Конституциянинг илмий ва техникавий ижод эркинлигини, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатловчи 42-моддаси инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларга, БМТ томонидан ушбу соҳада қабул қилинган асосий халқаро шартномаларга тўлиқ мос келади.

Хусусан, ушбу норма Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига мосдир. Унда ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этиш, санъатдан баҳраманд бўлиш, илмий

тараққиётда қатнашиш ва унинг неъматларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқига эгадир (27-модда).

Мазкур норма «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»га ҳам тўла мос келади. Унда илмий тадқиқотлар ва ижодий фаолият учун талаб қилинадиган эркинликни ҳурмат қилиш лозимлиги белгиланган.

Шунингдек, ушбу норма «Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида»ги Бутунжаҳон конвенциясига, «Адабий ва бадий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Берн конвенциясига, Артист-ижрочилар, фонограмма яратувчилар ва эшиттиришлар ташкилотчилари ҳимоясини акс эттирувчи Рим конвенцияси каби ҳужжатларга мос келади. Ушбу конституциявий норма ўз ўрнида фуқароларнинг фан ва техника, санъат, бадий адабиёт, ижоднинг бошқа соҳалари билан эркин шуғулланиш ҳуқуқларини мустаҳкамлаб берган.

Ижод мафкуравий ва сиёсий жиҳатдан чегараланмаган, фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланади ва ҳар ким, фуқаролиги, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ижтимоий ҳаётнинг ҳар қандай соҳасида ижод билан шуғулланишга ҳақли.

«Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Қонунга асосан, илм-фан ва илмий фаолият соҳасининг асосий принциплари:

- илмий ижод ва ахборот эркинлиги;
- самарадорлик ва ижодий рақобат;
- манфаатдорлик ва рағбатлантириш;
- илмий экспертизанинг холислиги;
- инсон ҳаёти ва саломатлиги, атроф табиий муҳитга зарар етказмасликдан иборатдир.

Ҳар кимга илмий ва техникавий ижоднинг эркинлиги таъминланиши шахс интеллектуал фаолияти эркинлигининг кафолати саналади. Бундан ташқари, илмий ва техникавий ижод билан шуғулланувчи ҳар бир инсон ўз ижоди натижасида ҳосил бўлган ғоялар, асарларни мамлакатимизда ва ундан ташқарида баён этиш, чоп этиш ёки оммалаштириш ҳуқуқига эга.

Давлатимизда илм-фан ривожи ўзгача муҳим ўрин эгаллаган, бунинг далили сифатида биз 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Илм, маърифат ва рақамли

Шу билан бирга, улғайиб келаётган ёш авлоднинг илм эгаллашга бўлган иштиёқи ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, шунингдек халқаро майдонда мамлакатимизнинг нуфузини янада юксалтириш учун иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини такомиллаштириш зарурати мавжуд. Бу борада сўнгги йилларда республикада илмий ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда, иқтидорли ёшларни нуфузли миллий ҳамда халқаро олимпиадалар, мусобақалар ва танловларда салмоқли натижаларга эришишлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорида, ёшларни амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш, илм-фанни ўзлаштиришга бўлган рағбатини ошириш, изланувчанлик ва яратувчанлик фаолиятига кенг жалб қилиш, жаҳон миқёсида ватанимиз довуғини кенг таратган аждодларга муносиб авлодни тарбиялаш мақсадида халқаро олимпиадалар иштирокчиларини юқори малакали мутахассислар, шу жумладан, олимлар, профессор-ўқитувчилар, хорижлик мутахассисларни жалб қилган ҳолда тайёрлаш, инглиз тили ва рус тили фанларидан мулоқот қилиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида махсус курслар ташкил этиш белгиланган.

Асосий олимпиадаларнинг республика босқичида 1 – 3 ўринларни эгаллаган иштирокчиларига ихтисослик фани бўйича давлат олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида максимал балл олиш ҳуқуқини берувчи ва уч йил муддат давомида амал қилувчи сертификат тақдим қилинади.

Бундан ташқари, олий таълим муассасасига қабул қилингандан сўнг ёшлар учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Фанлар академияси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда «устоз-шогирд» тизими асосида тегишли соҳада юқори натижаларга эришишлари учун малакали мутахассислар бириктирилади.

Халқаро олимпиадалар ғолиблари ва уларнинг ўқитувчилари базавий ҳисоблаш миқдорининг қуйидаги миқдорларида бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланади:

1-ўрин (олтин медаль) учун – 500, ўқитувчисига – 450 баравари;

2-ўрин (кумуш медаль) учун – 300, ўқитувчисига – 250 баравари;

3-ўрин (бронза медаль) учун – 200, ўқитувчисига – 150 баравари.

Асосий олимпиадалар республика босқичи ғолибларининг ўқитувчилари базавий ҳисоблаш миқдорининг қуйидаги миқдорларида бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланади:

1-ўрин учун – 50 баравари;

2-ўрин учун – 35 баравари;

3-ўрин учун – 30 баравари.

Халқаро олимпиадалар ғолибларини тайёрлаган ўқитувчилар ва таълим муассасаси директорларига навбатдаги ўқув йили учун директор жамғармасидан олтин, кумуш ва бронза медаллари бўйича тегишинча қўшимча 200, 175 ва 150 фоизлик устама тўланади.

Таълим муассасаларида ўқитувчи бўлиб фаолият юритаётган ва халқаро олимпиадалар ғолибларига лавозим маошига ҳар ой 150 фоиз устама ҳақи тўланади. Таълим муассасаларида ўқитувчи бўлиб фаолият юритиш билан бир вақтда асосий олимпиадалар республика босқичи ғолибига лавозим маошингизга ҳар ой 100 фоизлик устама ҳақи тўланади.

Олий таълим муассасасини тамомлаган олимпиада ғолиблари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан шакллантириладиган истиқболли мутахассислар захирасига киритилади.

Шуни ёдда тутингки, қуйидаги халқаро олимпиадаларнинг ғолиблари давлат олий таълим муассасаларига тест синовисиз ва қўшимча имтиҳонсиз қабул қилинади:

1. Халқаро математика олимпиадаси – International Mathematical Olympiad (IMO) ғолиблари;

2. Халқаро физика олимпиадаси – International Physics Olympiad (IPhO) ғолиблари;
3. Халқаро кимё олимпиадаси – International Chemistry Olympiad (IChO) ғолиблари;
4. Халқаро биология олимпиадаси – International Biology Olympiad (IBO) ғолиблари;
5. Халқаро информатика олимпиадаси – International Olympiad in Informatics (IOI) ғолиблари.

Илмий фаолият объектлар, ҳодиса (жараёнлар)нинг хусусиятлари, ўзига хосликлари ва қонуниятларини аниқлаш мақсадида борлиқни ўрганиш ва олинган билимларни амалиётда қўллашга йўналтирилган фаолият ҳисобланиб, фундаментал ва амалий тадқиқотлардан иборатдир.

Жисмоний шахслар ҳам ва юридик шахслар илмий фаолият субъектлари бўлиши мумкин.

Илмий фаолият юритувчи шахслар қуйидагиларга риоя қилишга мажбур:

- инсон ҳаёти ва саломатлиги, атроф табиий муҳитга зарар етказмасликка;
- кўчирмачиликка йўл қўймасликка, ўзгаларнинг илмий ишланмаларини ўзлаштирмасликка ва ёлғон маълумотларга асосланмасликка;
- интеллектуал мулк ҳуқуқлари ва илмий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишга.

Давлат илмий ташкилотларида илмий фаолият юритувчиларга, қирқ саккиз иш кунидан иборат йиллик ҳақ тўланадиган ҳамда моддий ёрдамни кўзда тутадиган меҳнат таътили берилади.

Давлат илмий ташкилотларида илмий ходимларнинг етакчи олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ва лабораторияларида, шу жумладан чет элда амалиёт ўташлари ёки малака оширишлари учун бир йилгача бўлган муддатга таътил берилади.

Илмий даражали кадрлар бўлиб, етишиш учун таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиликни амалга оширишлари мумкин.

Таянч докторантура ва докторантура доирасидаги илмий фаолият ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилади.

Мустақил изланувчилик доирасидаги илмий фаолият эса ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб борилади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Ёшлар академияси ҳамда унинг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш Жамғармаси Президент қарорига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

- истиқболли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш;
- амалий ва инновацион тадқиқотларни олиб боришларига имкон яратиш;
- мамлакатнинг етакчи олимлари ва ишбилармонлари билан ҳамкорликни таъминлаш;
- иқтидорли ёшларни ривожланган хорижий мамлакатларда малака оширишларига кўмаклашиш;
- халқаро ва маҳаллий даражада эътироф этилган ташкилотлар, университетлар, илмий марказлар билан яқиндан алоқалар ўрнатиш, уларнинг олимлари ва мутахассислари иштирокида маҳорат дарслари, тренинглар, шунингдек, конференциялар, семинарлар ва танловлар ўтказиш.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, Ёшлар академиясининг жамғарма маблағлари қуйидагиларга йўналтирилади:

- инновацион, амалий ва стартап лойиҳаларни молиялаштиришга, илғор технологик ишланмаларни ишлаб чиқишга;
- ёшлар академияси фаолиятини ташкил этиш, хорижий ва маҳаллий етакчи олимлар, мутахассислар ҳамда ватандошларни белгиланган тартибда жалб қилишга;
- иқтидорли ёшларни ривожланган давлатларда малака оширишларига, нуфузли илмий нашрларда мақолаларни чоп этиш, шунингдек, хорижий ва маҳаллий патентлаш харажатларини қоплашга;

- илмий-амалий тадбирлар ташкил этиш ҳамда халқаро илмий-амалий тадбирларда қатнашишга;
- сунъий интеллект, қайта тикланувчи энергия манбалари, робототехника ва мехатроника, фармацевтика, биотехнология, дастурлаш, саноат дизайни, 3D моделлаш ва бошқа истиқболли йўналишларда амалий, инновацион ва стартап лойиҳаларига.

Илм-фан ва илмий фаолиятга бўлган мамлакатимиздаги эътибор юқорида санаб ўтилган норматив ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган ва уларда илм-фанни, инновацияларни ривожлантириш ҳамда ёшларни илм-фанга қизиқишларини оширишга доир тизимли ислоҳотлар белгиланган бўлиб, ушбу тараққиёт йўлида

МАДАНИЯТ ЮТУҚЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ

қилинаётган барча ишларнинг самараси яқин келажакда юртимизни халқаро майдонларда нуфузини янада мустақамлашда алоҳида ўрин тутати.

«Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида»ги Қонун маданий фаолият ва унинг доирасида юритиладиган мақсад ва вазифалар, ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятларни аниқ ифодалаб берган. Фуқароларнинг маданий фаолият соҳасидаги ҳуқуқларига қуйидагилар:

- маданият ютуқларидан фойдаланиш ва жамиятнинг маданий ҳаётида иштирок этиш;
- ижодий жамоалар таркибида ёки мустақил равишда, касбий ёки нокасбий (ҳаваскорлик) асосда ижодий фаолият билан шуғулланиш;
- ўз эҳтиёжларига, манфаатлари ва қобилиятига (имкониятларига) мувофиқ маданий фаолият йўналишларини эркин танлаш;
- ўз мулкида турган маданий бойликларга қонунчиликда белгиланган тартибда эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш;

- маданий-оммавий тадбирлар жараёнида қонунчиликда тақиқланмаган турли рамзлардан ва ўз фикрини ошкора ифода этишнинг бошқа воситаларидан фойдаланиш;
- маданият объектларига бориш, Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари, ахборот-кутубхона муассасалари ҳамда ахборот-кутубхона ресурслари, шунингдек архив ҳужжатлари билан танишиш киради.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, фуқароларнинг маданий фаолият соҳасидаги ҳуқуқлари билан бир қаторда мажбуриятлари ҳам бўлиб, уларга:

- Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асраш;
- маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этиш;
- Ўзбекистон халқининг ҳамда унинг ҳудудида яшовчи бошқа миллатлар ва элатларнинг миллий маданиятини, анъаналарини ва тилини ҳурмат қилиш;
- маданий-оммавий тадбирлар ва бошқа маданий тадбирлар ўтказиладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш, шунингдек умум қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этиш киради.

Шунингдек, фуқаролар ва ижодкорларнинг маданий фаолият соҳасидаги мулк ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар, ижод натижаларини олиб чиқиш ва олиб кириш ҳуқуқи, уларнинг ўзига хос хусусиятлари қонунда кўрсатиб қўйилган. Масалан, мулк ҳуқуқи тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ашёларга, шунингдек моддий маданий мерос объектларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин.

Олис ва бориш қийин бўлган жойларда маданиятни ривожлантириш, маданият ташкилотларининг фаолиятини йўлга қўйиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг эстетик эҳтиёжларини қаноатлантириш ва аҳолига кўрсатилаётган маданий хизматлар сифатини яхшилаш бўйича ишларга давлат томонидан устувор аҳамият берилади.

ИЛМ-ФАННИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

Халқ ижодиёти, халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъати, Ўзбекистон халқ ўйинлари жумласига кирувчи маданият объектлари қонун даражасида мустаҳкамланган.

Илм-фанни янада ривожлантириш давлатимиз келажаги учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини мамлакатимиз Президентининг «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони мисолида келтиришимиз мумкин. Бу Фармоннинг қабул қилинишидан асосий мақсад иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришдир.

Фармонда соҳани молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш борасида бир қатор режалар белгиланган. Хусусан:

- илм-фанга ажратилган маблағларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши амалдаги 0,2 фоиздан – 2030 йилга қадар 2 фоизга;
- 2025 йилга қадар илм-фанни умумий молиялаштириш ҳажмида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига хусусий сектор томонидан ажратиладиган маблағлар улушини амалдаги 8 фоиздан – 20 фоизга;
- 2030 йилгача эса – 30 фоизга етказиш назарда тутилган.

Шу билан бир қаторда, юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш борасида:

- илмий ташкилотлар тадқиқотчиларининг ўртача ёшини камайтириш назарда тутилган бўлиб бунда қуйидаги кўрсаткичларга эришиш, яъни 2025 йилга қадар 45 ёшга;
- 2030 йилгача эса 39 ёшга етказиш;

Илм-фан тараққиётига кўмаклашувчи замонавий ахборот муҳитини шакллантириш борасида:

- миллий илмий портални яратиш;
- олимлар, ташкилотлар, илмий-техник ахборот манбалари рейтингларини жорий этиш белгиланди.

Шунингдек, 2021 йил 1 январдан бошлаб, Халқаро рейтингларда биринчи 300 та ўриндан бирини эгаллаган олий таълим ташкилотларида олинган профессор, доцент, катта илмий ходим ва уларга тенглаштирилган бошқа илмий унвонлар тўғрисидаги ҳужжатлар олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар кенгашларининг тавсиясига асосан Ўзбекистон Республикасида қўшимча экспертиза ўтказмасдан ва бошқа синовларсиз тўғридан-тўғри тан олинадиган бўлди.

Яна бир имкониятлардан бири, бу Жаҳон банки томонидан илмий ишланмаларни тижоратлаштириш асосида республикада инновацион тизимни ривожлантириш, инновацион фаолият соҳасидаги индикаторларни яхшилашга кўмаклашувчи «Ўзбекистон миллий инновацион тизимини модернизация қилиш» лойиҳасини молиялаштириш мақсадида 50 миллион АҚШ доллари миқдоридagi имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши бўлди.

Фармон билан тасдиқланган Концепцияда қуйидаги бир қатор стратегик мақсадлар белгиланган:

- миллий иқтисодий тизимни ривожлантиришда инновацион янги технологиялардан фойдаланиб янги форматга ўтказиш;
- инвестицияларни жадал иқтисодий ўсишни таъминлайдиган йўналишларга жалб қилиш;
- инновацион маҳсулотлар ҳажмини кенгайтириш;
- ижтимоий соҳадаги долзарб масалаларнинг инновацион ёндашувга ҳамда илмий тадқиқотлар ва эришилган натижаларга асосланган илмий ечимини топиш;
- халқаро миқёсда илмий ҳамкорликни ривожлантириш йўллари билан аҳолимизнинг турмуш тарзи сифатини янада яхшилаш.

Ўзбекистонни 2030 йилга қадар глобал инновацион индекс рейтингиди дунёнинг 50 та етакчи давлатлари қаторига киритиш бўйича улкан мақсадга эришишда инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган стратегик режа эълон қилинди.

ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАР

(амалий қўлланма)

Нашр учун масъуллар:	<i>Ф. Тожиев, О. Файзуллаев</i>
Муҳаррирлар:	<i>Ш. Абдуллаев, Д. Иргашева</i>
Тузувчилар:	<i>Б. Турғунов, М. Шокиров</i>
Компьютерда саҳифаловчи:	<i>Ж. Тожибоев</i>

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.
Нашр. лиц. АИ № 032, 29.10.2019 й.
Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй.
Телефонлар: 71-233-28-18, 71-280-55-47
Веб-сайт: www.adolatmarkazi.uz
e-mail: info@adolatmarkazi.uz

Босишга рухсат этилди 30.11.2021 й.
Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆ «Segoe UI» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи 6.
Нашриёт ҳисоб табоғи 5,5. Адади 1 000 нусха.
3-бўйртма. Нархи шартнома асосида.

**«PREMIUM POLIGRAF BIZNES» МЧЖда чоп этилди.
Тошкент ш., Чилонзор тумани, Д20-мавзе, 9-уй.**